Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 105 (20. 972) 1991 йил 4 июнь, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ТАДБИРКОРЛАР ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТУГАТИШЯПТИ?

ҲОЛИС ЁРДАМ

Сирдарё вилояти дала меҳнаткашлари табиий офат оқибатларини тугатиб, тезроқ барча далаларда ишни ўнглаб олиш чораларини кўрмоқдалар. Вилоят агросаноат уюшмаси қошида ташкил этилган оқсоқоллар кенгаши раиси Муҳиддин Каримов бошчилигидаги гуруҳ аъзолари орасида ўн нафар тажрибали тадбиркор деҳқон, чорвадор ва боғбон, соҳибкор бор. Улар бир неча кун мобайнида вилоятнинг ёғингарчиликдан катта зарар кўрган Боёвут, Гулистон, Комсомол, Меҳнатобод ва Ховос районлари хўжаликлари далаларида бўлишди. Вилоят бўйича 21 миллион 638 минг сўмликдан ортиқ зарар кўрилгани маълум бўлди. 46 минг 479 гектар ердаги ниҳол ёмғир остида қолган. Айниқса, Боёвут, Гулистон, Меҳнатобод районларида кўрилган зарар катта.

Оқсоқоллар кенгаши аъзолари ана шу майдонларни кўздан кечириб, бу йил бирор гектар ерни ҳам бузмай, омон қолган кўчатларни парваришлаш лозим, деган хулосага келдилар. Боёвут районидаги ёғингарчиликдан катта зарар кўрган У. Юсупов номли, «Ленинизм», «Боёвут», «Ғалаба» давлат хўжаликларига вилоятнинг қўриқдаги Оқолтин, Ильич райони хўжаликларидан 350 чопиқ агрегати келтирилди ва улардан самарали фойдаланилмоқда.

Гулистон ҳамда Комсомол районларига эса қўшни Сирдарё, Ворошилов районлари механизаторлари 150 агрегатни бошқариб келишди. Оқибатда мазкур районларнинг далаларида ҳам табиий офат туфайли етказилган зарарни бартараф этиш йўлидаги ишлар қизғин авж олдириб юборилди.

Вилоят агросаноат уюшмаси раисининг биринчи муовини А. Абдураҳимовнинг таъкидлашича, табиий офат туфайли рўй берган оғир вазият тез кунларда бартараф этилади. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМЖИҲАТЛИК

Районимизда юз берган табиий офат оқибатларини тугатишда тадбиркорлик билан иш юритиляпти. Деҳқон ёлғиз қолмаяпти. Унга ҳамма мададкор бўлаётир.

Давлат ва жамоа хўжаликларидаги ишга яроқли барча аҳоли ғўза тупларини юмшатишга сафарбар қилинди. Механизаторлар эса 18—20 сантиметр чуқурликда ғўза ораларига ишлов бериб, уни озиқлантирмоқдалар.

Олти минг тонна пахта етказиб берадиган «Манғит» давлат хўжалигидаги 2600 гектар майдондаги ғўзанинг икки минг гектардан кўпроғи сел, ёмғир тагида қолди. Улар икки-уч иш кунида сел, ёмғир сувларини қочиришга муваффақ бўлдилар. Ғўза тупларини юмшатишда 1500 киши қатнашмоқда. 70 та культиватор бетиним ишламоқда. Бу хўжаликда нормани бажараётган ҳар бир механизаторнинг 9 сўм 92 тийинига 5 сўм 8 тийин қўшиб — 15 сўмдан пул тўланмоқда. Бу иш унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қатқалоқни бартараф этишда қатнашаётган жамоа хўжаликлари аъзоларининг меҳнатлари ҳам рағбатлантирилмоқда. Биз бу усулни райондаги ҳамма хўжаликларда ташкил қилганмиз.

Районнинг хўжаликларида уч минг гектар майдонда чигит қайта экилди. Унинг ҳар гектаридан тўла кўчат олишни таъминлашда барча чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Ғўза тупларини юмшатиб озиқлантиришда фан ва техника ютуқларига, илғор агротехника қоидаларига, бободеҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилиб ишламоқдамиз. Ғўза қатор ораларини юмшатишда 9650 киши қатнашмоқда. Бугун — эртага уларнинг сонини 16 минг 500 кишига, культиватор сонини 404 тадан 504 тага етказамиз. Район ва хўжалик раҳбарлари миқдор эмас, ҳар бир ишнинг сифатига алоҳида эътибор бермоқда. Иш сифатига шахсан хўжалик раҳбарлари жавоб берадиган қилиб қўйилди. Районимиз хўжаликлари, пахтакорлари, механизаторлари, соҳибкорлари, чорвадорларининг қайфияти ёмон эмас. Бу йил камида эллик минг тонна пахта, 400 тонна маккажўхори дони, 3380 тонна сабзавот, беш минг тонна қовун-тарвуз, 320 тонна мева тайёрлаш режасини районимиз, албатта, ошириб бажаради. Биз шу кеча-кундузда ҳамма ишларимизни ана шунга қаратмоқдамиз.

М. ПИРМАНОВ,
Амударё район деҳқончилик саноати уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ДАВР ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ВА КЕЛИШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

М. С. Горбачевнинг шу йил 30 май куни Олмаотада жумҳурият фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқи

Мен кўпдан буён Қозоғистонга яна бир бор келмоқчи эдим. Бу ерда уч кун ичида бўлиб ўтган ҳамма учрашувлар, ўртоқ Назарбоев билан батафсил суҳбатларимиз — буларнинг ҳаммаси жумҳуриятингиз учун ҳам, Иттифоқ учун ҳам жуда муҳим. Давр бизнинг ҳаммамиздан тўла келишиб олиб ҳаракат қилишни, баҳамжиҳатликни талаб қилмоқда. Мамлакат катта ўзгаришлар, турмушнинг иқтисодий ва сиёсий шаклларини алмаштириш, кўп миллатли давлатни ислоҳ қилиш бўсағасига келди.

Табиийки, ана шу катта муаммолар, мамлакат тақдири бошқалар каби қозоғистонликларни ҳам ташвишга солмоқда. Лекин, билсангизлар, шу кунларда мен бу ерда сиёсий қайта қуришни ёқлабгина қолмай, социалистик йўл доирасида унга эришиш йўлларини тағин ҳам самаралироқ излаш тарафдоригина бўлиб қолмай шу билан бирга амалда бу соҳада кўп иш қилаётганликларидан жуда мамнун бўлдим. Қозоғистон халқининг ажралмас таркибий қисми бўлган жумҳурият партия ташкилоти ҳам шу жиҳатдан ажралиб турибди. Бу жуда муҳим хусусиятдир. Мен шуни таъкидлаб ўтмоқчиман. Бугун гапимни ҳам худди шундан бошлаяпман, чунки умуман айтганда, митинглар, намойишлар, тўхтовсиз баҳслар ва қатъий талабномалар қўйиш даври ўтиб кетди. Кўп нарса равшан бўлиб қолди. Ҳозир мана шу янги ҳаётга қадам қўйиш, унинг янги шаклларини амалда ўзлаштириш лозим.

Ҳозирги вақтда аввало нима иш қилишни ва қандай қилишни бандма-банд белгилаб қўйишни, ўзгартишлар ҳар бир аниқ қадамининг оқибатларини олдиндан айтиб беришни талаб қилаётган кишилар аслини олганда ислоҳотларни амалга ошириш душманларидир, қайта қуриш сиёсатининг рақибларидир. Чунки ҳеч ким, ҳеч қандай академия ҳам бундай жадвални тузиб бера олмайди. Жамиятнинг ўзи жавоб бериши керак. Ҳар бир жамият туб ўзгаришлар даврига келганда айтиш мумкинки, ўз қўшиғини ўзи тўқийди. Бунда бошқа халқларнинг тажрибасидан фақат ҳамиша ўзининг воқелигига мувофиқ равишда фойдаланади. Бунда анъаналар ҳам, тараққиётнинг ҳақиқатда эришилган даражаси ҳам аҳамиятга эга бўлади, фақат иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий тараққиёт эмас, умумий маданият, сиёсий маданият маъносида маданият тараққиёти ҳам аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли қозоғистонликларнинг мулоҳазаларини ҳам, изланишларини ҳам, шу билан бирга қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга доир аниқ жонли ишларни ҳам ўз ичига оладиган амалий ёндашувини маъқуллайман. Ҳозирги пайтда бу жуда муҳимдир. Жумҳуриятдаги ижтимоий муҳит менда яхши таассурот қолдирди. Ҳамма жойда муҳим масалалар ҳақида, иттифоқ, ислоҳотлар, тотувлик, миллатлараро муаммолар тўғрисида ва, албатта, бу ерда ўзига хос хусусиятга эга бўлган маҳаллий масалалар тўғрисида гапирилди. Бироқ энг муҳими шундаки, одамларнинг аксарият кўпчилиги иш қилиш кайфиятидадир. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Умуман ҳозир ушбу учрашувда маълум даражада эшитилган «қарамлик» мавзулари кам бўлди. Мен кимдир юқоридан келиб ҳаммасини «барпо этиши» тўғрисидаги тасаввурларни кўзда тутяпман. Бундай тасаввурлар ҳам мавжуд бўлди. Лекин эндиликда жумҳурият ва Иттифоқ раҳбарларидан бир нарсани кўпроқ талаб қилмоқдалар — одамларнинг ўзлари янгича ёндашувларни олға силжитиши учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб беринг, деб талаб қилмоқдалар.

Одамлар қайта қуриш тарафдоридир, ислоҳотлар, янгилаш жараёнлари изчиллик билан ва тағин ҳам қатъийроқ ўтказилиши тарафдоридирлар.

Кўплаб қозоғистонликларнинг юксак, соғлом сиёсий фаоллиги менга маъқул бўлди. Бу фаоллик айниқса юқори лавозимли давлат ва партия арбоблари танқид қилинаётган бўлса, кимнинг чиройлироқ ёки қаттиқроқ гапиришида эмас. Йўқ. Бу шундай фаолликки, биз уни кўпдан буён кутар эдик. Биз сиёсий ислоҳот, ошкоралик, демократия, иқтисодий эркинлик орқали шу фаолликни уйғотишни хоҳлаган эдик. Мана энди бу диёрга ана шундай фаоллик келганлигини кўриб турибман. Одамлар ўз қадр-қимматини сақлаб ва бошқаларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиб, катта сиёсат тўғрисида воқеликни инобатга олиб мулоҳаза юритмоқдалар. Шу жиҳатдан Кўкчатовдаги, сўнгра эса Чимкентдаги ижарачилар билан суҳбатлар катта таассурот қолдирди. Тенг одамлар сифатида суҳбатлашдик. Одамларнинг масъулияти, истиқболни тушуниб етиши ҳайрон қоларли даражада ўсди.

Ижарачиларнинг бригадири ва унинг ўртоқлари ижарани бир хил маъқуллаб гапирдилар, ишлаб чиқариш воситалари «ҳақиқатда ўзимизники», «меники», бутун жамоанинг мулки бўлиши учун уни қандай сотиб олиш тўғрисида ўйлай бошладилар. Улар бугунги кун ҳақида, янги натижаларга эришиш, янги технологияларни қўлланиш учун фондларни қандай қилиб янгилаш ҳақида ўйламоқдалар. Яъни умумдавлат аҳамиятига эга бўлган мулоҳазалар бормоқда.

Мана буниси қизиқарли: улар ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмини сотиб олиб, ўз ижарачи бригадасида бу мулкни ҳар кимга тақсимлаш керак эмасмикан деб муҳокама қилишаётганда, уларнинг ҳаммаси бир оғиздан: йўқ, бу ҳаммамизнинг умумий, жамоа мулки бўлиб қолаверсин, жамоамизнинг хусусий манфаатдорлиги мана шунда бўлсин, деб қатъий айтишди.

Равшанки, мен муаммолар йўқ жумҳурият бўйлаб сафар қилдим дея олмайман. Аксинча, ҳамма жойда бўлгани каби бу ерда ҳам муаммолар ошиб-тошиб ётибди. Лекин шуниси қувончлики, одамларнинг фикр-хаёли ана шу муаммоларни қандай ҳал қилишга қаратилган. Ҳозирги ва айниқса эртанги муаммоларни қандай қилиб бартараф этишга қаратилган. Мана шуниси энг муҳимдир ва мен буни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Жумҳуриятда ўтказилаётган кенг миқёсли ер ислоҳотини фаол қўллаб-қувватламоқчиман. Бу ислоҳот ҳозирнинг ўзидаёқ натижа бермоқда.

Якка тартибда уй-жой қурилишини сизлар рағбатлантираётганингиз жуда яхши. Тўғри, бунда жуда кўп муаммолар пайдо бўлди. Одамлар ўз маблағини ва кучини сарфлашга тайёр. Лекин на жумҳурият, на умуман мамлакат ҳозирча етарли имкониятга эга. Якка тартибда уй-жой қурилиши учун моддий ва техникавий базани барпо этиш лозим. Кўпгина хўжаликларда ҳозироқ ғишт заводлари ишлаб турибди. Буни қўллаб-қувватлаш керак, жойларда кўп иш қилиш мумкин ва лозим, бу ишларни қандай қилиб тезроқ ва яхшироқ бажаришни барча даражаларда ўйлаб кўриш лозим. Ана ўшанда одамлар ўзларини бошқача ҳис этадилар. Биринчидан, уй-жой масаласини ҳал қилиш енгиллашади. Иккинчидан, бу ходимларнинг қишлоқда муқим яшаб қолиши муаммосининг ҳал этилишидир.

Чимкент яқинида биз боғ ҳовлилардан иборат қўрғонни кўрдик. Сўнгги икки йил ичида 20 мингта боғ ҳовли қурилган. Одамлар бу ерда маҳсулот етиштира бошлаганлар, ҳамма иш билан банд, оилалари билан биргаликда ишлашяпти. Мана буни жонли халқ ташаббуси деса бўлади. Бинобарин, сизлар бу халқ ташаббусини шунчаки маъқуллаб қолмай, уни рўёбга чиқаришда амалий ёрдам бераётганингиз учун жумҳурият ва вилоятлар раҳбарларига, хўжалик раҳбарларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Бу ҳам жуда муҳим. Чунки бизда у нарса йўқ, бу нарса йўқ, ҳеч қандай иш қилмай ўтиришибди, деб гапирадиганлар кўп. Маълумки, ишламайдиган одам хато ҳам қилмайди.

Учрашувлар чоғида жуда кўп аниқ-равшан, тўғридан-тўғри ҳам амалий, ҳам сиёсий, ҳам хўжалик масалаларига доир, ҳам ижтимоий саволлар қўйилди. Бу мамлакат раҳбарияти даражасида ҳам, Федерация Кенгаши доирасида ҳам ўйлаб кўрса арзийдиган масалалардир.

Эҳтимол, бу менинг энг асосий таассуротимдир. Қозоғистон жипслашган жумҳурият, барча миллатга мансуб кишилар ёнма-ён, биргаликда меҳнат қилишяпти. Рамзий мазмунга эга бўлган бир тафсилот: биз кўчадан кетяпмиз, ёмғир ёғяпти. Қарасам уч, тўрт миллатга мансуб кишилар битта шамсия остида туришибди. Улар шу ёғингарчиликда ҳам битта катта шамсия остида ўзларини яхши ҳис этишяпти. Қозоғистон ана шундай.

Бугун фабрикага бордик. У ерда аҳвол жуда қийин бўлса ҳам одамлар биргаликда аҳиллик билан ишлашяпти. Шу пайтда мен сиёсатчилар ва сиёсатбозлар, ошкоралик, демократиядан ўз мақсадларини кўзлаб фойдаланишга уринаётган, тикланаётган, янгиланаётган умумий хонадонимизга кириб олиб, уни вайрон қилмоқчи бўлаётган, ҳатто бутун-бутун оилаларни ажратиб юборишдан ҳам қайтмаётган турли-туман экстремистлар тўғрисида ўйладим. Агар биз бунга йўл қўйсак, энг даҳшатли аҳвол юз беради.

Мен бу ерда байналмиллалчилик заҳирасини ҳис этдим. Бу сўзни айтишдан қўрқмайман, хўжакўрсинга эмас, балки табиий дўстлик заҳирасини ҳис этдим. Бу ерда ана шу тушунчалар ўзининг ҳақиқий аҳамиятига эга, чинакам инсоний моҳиятини йўқотгани йўқ. Мен буни жуда юқори қадрлайман, ўз кўзим билан кўрдим. Қалбан ҳис этдим.

Мамлакатда юз бераётган воқеалар одамларни ташвишга солмоқда, албатта. Бу воқеалардан зўр ташвишланиш бу ерда ҳам сезилиб турибди.

Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатдаги вазият сўнгги вақтда кўз ўнгимизда шу қадар сезиларли ўзгардики, уни кўрмаслик мумкин эмас. 91 йил баҳори вазиятни жуда жиддий равишда чигаллаштириб юборди. Аслини олганда, март-апрель ойларида мамлакат ижтимоий ларзалар ёқасига келиб қолди. Буларнинг ҳаммасини биз сезиб турибмиз. Менимча, буни жамият ҳам сезиб турибди, шунинг учун ҳам у ўзини-ўзи сақлаб қолишнинг энг теран воситаларини — ўзини, оилани, ерни, мамлакатни, давлатни ишга солди. Мана шунинг ўзи бизга танглик вазиятидан чиқиш йўлини кўрсатиб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

• ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Улкамизда — ёз. Жавзо май ойи ярмида бошланганига қарамай бутун ой давомида кунлар салқин бўлди. Кетма-кет ёғингарчилик бўлганини айтмайсизми? Ҳозирги тандирдек қиздирган ёзни деҳқону чорвадор, боғбону соҳибкор, сабзаворкору ғаллакор интиқлик билан кутганди. Боғ-роғларда мева-чевалар шарбат тўпламоқда. Улар сахий қуёшдан нур эмиб, кун сайин етиляпти. Айни пайтда эртаки ўрик, гилос, олча ғарқ пишди. Ноз-неъмат бунёдкорлари уларни тезроқ йиғиб-териб олиб, эл дастурхонига етказиб бериш иштиёқида.

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» давлат хўжалигига борганимизда бунга амин бўлдик. Катта йўлдан бурилиб, бўтана сув оқиб ётган ариқдан ўтишимиз биланоқ гилосзор бошланди. Гилослар навдаларга худди маржондек тизилган.

Мафтункор манзара... Баланд нарвонларга чиқиб, серҳосил шохларни айри билан эгиб гилос тераётган йигит-қизларга кўзимиз тушди.

— Бригадамиз аъзолари, — дейди бригада бошлиғи Умри Улуғхўжаева, — гилос дарахтларини йил бўйи меҳр билан парваришлашди. Вақтида суғориб, ўғитлаб турдик. Турли ҳашаротларга биологик, ўрни келганда кимёвий дорилар ёрдамида қирон келтирдик. Натижаси эса кўриб турганингиздек ёмон эмас. Гилос ғарқ пишди.

Гилосзор оралаб бораркан-миз, ҳосилнинг мўллигидан кўзимиз қувнайди. Кунига 3500—3600 килограммдан гилос териб олинаётган экан. Айниқса, Муҳаббат Турсунбоева, Малика Мирзаахмедова, Улуғбек Эргашев, Муҳаббат Мавлонхўжаева каби ишчилар гилос теришда ибрат кўрсатишяпти. Умуман, бригада боғбонлари 18 гектар гилосзордан 80 тоннага яқин ҳосил териб олишни мўлжаллашаётгани қувончлидир. Гилосзорни яна кенгайтириб, 19 гектар майдонга янги кўчатлар экишди. Ҳозир уларнинг олди нишона берди.

ГИЛОСЗОРДА МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Репортаж

Бригадир бизга ютуқлару қувончлар ҳақида гапира туриб, айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди:

— Бир нарсага ҳайронман. Нега жамоа хўжаликлари гилосзорлар ташкил этишмайди. Олақанот қушлардан қўрқишади, шекилли. Ахир, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайдику! Эндиликда гилосзорларни кенгайтириш пайти келди. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда бу, айниқса, муҳим. Гилос энг сердаромад, сервитамин мева. Агар мева сероб бўлса, бозордаги нарх-навоолар ҳам, албатта, пасаяди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Маълумки, гилос териш зерикарли, майда иш, шу боис ҳозирги пайтда гилос теришда ишлатилаётган челаклар ярамайди. Эндиликда ҳалқ ҳунармандчилигини йўлга қўйиб, самбит толдан саватлар тўқилса яхши бўларди.

Суҳбатга хўжалик директорининг ўринбосари Обиджон Султонов қўшилди.

— Хўжалигимиз боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Кейинги йилларда қулупнайни кўпайтиришга ҳам киришдик. Умри Улуғхўжаева бригадасида қулупнай экилиб, эл дастурхонига 36 тонна сервитамин маҳсулот етказиб берилди.

Олча ҳам сердаромад мева. Тўртинчи бўлимда беш гектар олчазор бор. У Хатира Дусебоева оиласига шартнома асосида берилган. Улар ўтган йили 13 тонна олча топширишди. Бу йил эса 15 тоннани мўлжаллашяпти. Ҳозир кунига 1500—1600 килограмм олча топширилаётир.

Оилавий жамоага олча теримида Чирчиқ шаҳридаги 4-болалар уйи тарбияланувчилари ёрдамга келишди. Ўғил-қизлар бу ерда меҳнат таътилини ўтказишади. Ҳам мириқиб дам олишади, ҳам нозне ъматларни йиғиштириб олишда ёрдам беришади.

Олхўри ҳам хўп бўлибди. Ҳосилнинг мўллигидан дарахтларнинг шохлари эгилган. Меваси ҳам йирик. Олди пишай деяпти.

— Бу беш гектарли олхўризор мўриқшкор боғбонимиз Сансизбой Собировга бириктирилган. У жами 120 тонна мева топширишни мўлжаллаяпти, — дейди Обиджон ака қувонч билан. — Нариги 3 гектарли олмазор Нағима Қаирзаева оиласига берилган. Бу оила аъзолари 54 тонна олма топширишга сўз беришган.

Хуллас, давлат хўжалигининг боғларида иш қизғин. Ҳамма эл маъмурчилиги, дастурхон тўкинлиги йўлида фидокорона меҳнат қиляпти.

Мева-чевалар давлатга етказиб берилиши билан бир қаторда хўжаликнинг Қибрай посёлкасидаги ўз дўконида арзон нархда сотиляпти. Айни пайтда пойтахтимизда кўчма дўконлар ташкил қилиниб, шу жойларга пешма-пеш маҳсулот келтиришмоқда. Меваларни татиб кўрган шаҳарликлар қибрайлик ноз-неъмат, бунёдкорларига раҳматлар айтишяпти.

Юнус ЗИЁДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи У. Улуғхўжаева ва илғор ишчи М. Турсунбоева. 2. Х. Дусебоева бошлиқ оилавий пудрат аъзолари 3. Бўлим бошлиғи М. Давлатёров, оилавий пудрат бошлиғи М. Дусебоева ва давлат хўжалиги директори ўринбосари О. Султонов ўртоқлар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КОММУНИСТЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚАРАТАЙЛИК

● 1 июнь куни жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш юзасидан тузилган Марказий Комитет комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Котибиятининг қарорига биноан ўтказилган мажлис Марказий Комитет иккинчи котиби А. С. Ефимов раҳбарлигида ўтди. Таркибига жумҳурият Ички ишлар вазирлиги, Прокуратураси, Фуқаро авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари кирган комиссия кейинги вақтда Ўзбекистон ССРнинг бир қанча минтақаларида аҳоли озиқ-овқат таъминоти ёмон ташкил этилганлиги муносабати билан асосли равишда норозилик билдираётганини таъкидлади. Назоратсизлик, жумҳуриятимизда қабул қилинган қарорларни бажаришга мансабдор шахслар масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётгани натижасида чайқовчилик, молларни яшириб қўйиш кучаяётгани, харидорларни алдаш ва улар ҳақига саноат молларини катта ҳажмда ташиб кетиш кўпанётгани таъкидланди.

Комиссия Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Дон маҳсулотлари вазирлиги ва Ўзбекбирлашув раҳбарларининг ахборотларини тинглади. Мазкур раҳбарлар жумҳуриятимизда яқин ойларда аҳолини белгиланган нормаларга кўра асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳал этилганини маълум қилишди, айрим вилоятлар, шаҳарлар ва районларни мазкур масала юзасидан муттасил равишда текшириб туриш режалаштиришлари, Жамоатчилик фикрини ўрганишга, аҳолидан тушаётган ташвишли хабарларга зудлик билан эътибор қилишга катта аҳамият берилди. Ахборот тўплашда жумҳурият ва маҳаллий рўзномаларнинг таҳририятларидан, Ўзбекистон ССР телекўрсатуви ва радио эшиттиришларидан, шунингдек, «Шошилинч телефонлар», «Бевосита алоқа йўллари» каби ва шунга ўхшаш усуллардан кенг фойдаланилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Автомобиль транспорти вазирлиги ва Алоқа вазирлиги ҳамда Фуқаро авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси раҳбарларига чайқовчиликка қарши, халқ истеъмоли молларини ғайриқонуний тарада жумҳурият ташқарисига олиб кетиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Қорақалпоғистон жумҳурият партия комитетига, вилоятларнинг партия комитетларига ва Тошкент шаҳар партия комитетига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш юзасидан шундай комиссиялар тузиш тавсия қилинди.

* * *

Аҳолини белгиланган нормаларда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида йўл қўйилаётган масъулиятсизлик ва тартибсизликлар, савдодаги суиистеъмолликлар тўғрисида «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳририятига, 33-21-43 ва 32-53-16 телефонларига батафсил хабар қилинг!

ДАВР ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ВА КЕЛИШИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Эҳтимолки, шу баҳорда асосий жамоат кучлари сиёсий тотувлигининг дастлабки нишоналари, мухолифлик яна давом этишини совет кишиларининг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватламаслигини тушуниб етишнинг дастлабки кўринишлари пайдо бўлди. Совет кишилари муҳолифликни ёқтирмайдилар. Ҳолбуки, «сўл» томонда ҳам ва ўнг томонда ҳам экстремистлар мавжуд, улар бир-бирига қўшилиб кетмоқда, сизлар уларни кўриб турибсизлар, уларни танийсизлар. Уларни санаб ўтишимга ҳожат йўқ, уларнинг ўзлари ҳозир буни яширишмаяпти. Улар сессияларда, турли учрашувларда, радио, телевидение орқали, Марказий Комитетларнинг Пленумларида сўзга чиқишяпти, лекин, такрор айтаманки, совет кишиларининг мутлақ кўпчилиги ҳаддан ташқари ўзига ишониш ва мухолифликни ёқтирмайдилар.

Сиёсий келишмовчиликларни ҳал этиш йўллари кўриниб қолган ҳозирги пайтда аввало иқтисодиётдаги таназзулнинг давом этаётганлиги ташвишга солмоқда. Таназзул базавий тармоқларда ҳам, енгил саноатда ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам юз берди.

Юз бераётган воқеаларнинг кўпи сиёсатдаги, амалий ишдаги хатолар билан, минтақалар ўртасидаги қарама-қарши туриш билан, танглик вазиятидан ёлғиз чиқиб олишга уринишлар, жумҳуриятлараро ва вилоятлараро тўсиқлар, вахшиёна маҳаллий мол айирбошлаш билан изоҳланади. Бу ишларнинг ҳаммаси учун кўп жиҳатдан гуноҳни зиммамизга олишимиз керак.

Лекин, келинглар, хом хаёлларга берилиб, одамларни алдамайлик. Чунки мулкчиликка, ишлаб чиқариш муносабатларига, инсоннинг аҳволига таъсир қиладиган бундай бурилишлар, бундай ислоҳотлар, турмушнинг шакллари алмаштирилиб, бундай теран даражадаги ўтишлар жаҳон амалиётида ҳеч қачон ва ҳеч жойда осонликча, силлиққина ўтмаган. Ҳеч қачон бундай бўлмаган.

Лекин ўзгартишлардан воз кечилса, тўхтаб қолинса, орқага қайтишга урониб кўрилса, бу энг катта хато, энг катта янглишиш бўлур эди. У ҳолда биз замонавий маърифат тараққиётидан четда қолиб кетган бўлур эдик.

Бу ишларнинг ҳаммасида душманларни, ёвуз ниятли кишиларни қидирмаслик лозим. Яқинда Марказий Комитет Пленуми арафасида бўлгани каби муаммоларни резолюциялар оқими билан ҳал этишга уриниш кам деганда соддалик бўлур эди. Тўғри, Қозоғистон партия ташкилотида бундай воқеа кам бўлди. Лекин кўп партия ташкилотлари гўёки ревизионистлар, сотқинлар ва ҳоқазолар тўдаларини қоралаш ҳақидаги талабларга жуда берилиб кетдилар. Билсангиз, бу баҳслашиб, курашиш эмас, мунозара эмас, ҳақиқатни излаш ҳам эмас. Бу ҳамма нарсани қоралашга, 30-йилларга қайтишга уринишга ўхшаш нарсадир.

Нима, шундай яшайверамизми? Бизда яна қизиллар ва оқлар, кўклар ва қоралар пайдо бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Одамларнинг фикри хилма-хил, имкониятлар хилма-хил. Баҳслар, турлича ёндашувлар бўлади. Бу оддий бир ҳолдир, бу ҳаракат манбаидир. Фикр юритишдаги мустақилликни, турлича фикрлашни йўқ қилиб юбориш — ташаббускорликни бостиришдир, бу жамият сўнишига олиб борадиган йўлдир. Биз буни бошимиздан кечирганмиз.

Ишлаб чиқаришдаги таназзул ҳамма нарсага ва одамларнинг кайфиятига оғир таъсир қилмоқда, албатта. Агар вазиятни қўлга олмасак, бу ҳол оммани кўчаларга бошлаб чиқиши, ҳамма нарсани ва ҳаммани ҳалок қилиши мумкин. Шу сабабли шахтёрлар билан ҳам, металлурглар билан ҳам тил топишиш, уларга ҳақиқатни айтиш, ҳақиқат негизида улар билан аҳдлашиб олиш керак, ўртоқлар. Чунки, шахтёрлар иш ташлаши нималарни келтириб чиқарганига бир қаранг, қанчаданқанча металлдан маҳрум бўлинди, беш миллион тонна прокатдан маҳрум бўлинди, беш миллион тонна прокат нима дегани? Машиналар, тракторлар, комбайнлар учун қанча прокат керак бўлишини чамалаб кўринг, бундай машиналар жуда етишмаётганлиги тўғрисида Кўкчатовда ҳам, Чимкентда ҳам, борингки ҳамма жойда гапирилмоқда-ку!

Н. А. Назарбоев: Бу Қозоғистоннинг бир йиллик эҳтиёжи.

М. С. Горбачев: Ҳозир индекслаш, ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида жуда ўткир ва ҳақли гапираётганликларини биласизлар. Аммо заводлар ишламаса, одамлар меҳнат қилиш ва пул ишлаб топиш имкониятидан маҳрум бўлсалар, у ҳолда ҳеч қандай ижтимоий ҳимоя тўғрисида гапириб бўлмайди. Энг қудратли ижтимоий ҳимоя — инсонга меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш, яхши ишлаш учун қудратли омилларни ишга солиш имконини беришдир. Чинакам ижтимоий ҳимоянинг энг туб негизи ана шундадир.

Апрель ойида биз янги чакана нархларга ўтдик, чакана нархлар ўнлаб йиллар давомида, баъзи соҳаларда эса урушдан кейинги даврдан буён ўзгармаган эди. Бу жуда зарур эди. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг нозик гуруҳлари учун енгиллатувчи бир қанча чора-тадбирларга қарамай, жамият жуда ачиниб, оғир ботиб, қабул қилган бу ислоҳот зарур эди. Бу соҳада одамларимизнинг сабр-бардоши кўп жиҳатдан вазиятни сақлаб қолмоқда. Аммо одамларимиз ҳаёти қийин бўлиб қолгани учун, маҳрумликларга дуч келганликлари учун ўтиш даврини чўзиб юбориш мумкин эмас. Биз олға томон тезроқ ҳаракат қилишимиз керак. Вазиятни миллатлараро можаролар чигаллаштирмоқда. Маълум сиёсий кучлар аҳолининг анчагина қисмини аслида қонуний Иттифоқ ҳокимият идораларига қарши Конституцияга зид ҳаракатларга тиргижиллаш учун вазиятнинг бутун кескинлигидан фойдаланиб қолишга уриндилар.

Ана шундай кескин вазиятда барча жамоат кучларининг мухолифликдан ҳамкорлик сари бурилиши лозимлиги кўпчиликка равшан бўлиб қолди. 9 апрель куни Федерация Кенгашининг мажлисида ана шундай даъват янгради. СССР Президенти ва тўққиз иттифоқдош жумҳурият раҳбарларининг 23 апрелдаги баёноти ҳам шундай ғоя билан йўғрилган. Бу катта сиёсий воқеа мамлакатни тангликдан олиб чиқишдан манфаатдор бўлган барча кучларнинг мухолифликдан ҳамкорлик қилиш сари бурилиш босқичи бўлди.

Бу баёнот ҳамманинг дидига ҳам мос келмаганлигини айтмай ўтолмайман. Аниқ позицияни эгаллаш учун буни ҳам билиб қўйиш керак, ўртоқлар. Ашаддий сўллар томонидан ҳам, ашаддий ўнглар томонидан ҳам апрель учрашуви иштирокчилари номига айблар ёғдирила бошланди. Бу хусусда кўп гапириш ўринли бўлмайди, деб ҳисоблайман, бу ҳақда кўп гапириш ўзини оқлашга ўхшаб кетган бўлур эди. Мен ва у ерда бўлган бошқа ўртоқлар жамият тараққиёти учун шу ғоят ўткир вазиятда аниқ ва ҳалол позицияни эгаллаб, уни ҳеч қандай, айтиш мумкинки, сиёсий ўйинларсиз эълон қилганимиз учун ўзимизни оқлашимиз керакми? Кимнинг олдида ўзимизни оқлаймиз? Биз қилаётган ишларнинг ҳаммасини барбод этишни хоҳлаётган одамлар, «қанчалик ёмон бўлса, шунчалик яхши» деган шиор остида иш тутаётган одамлар олдида ўзимизни оқлаймизми?

Жамиятни жипслаштириш учун, ижтимоий тотувлик учун вужудга келган имкониятдан фойдаланмоқ керак. Бу барча шахсий ва сиёсий, диний дунёқараш билан боғлиқ эҳтиросларидан ва садоқатдан юқоридир.

23 апрелдаги баёнотда ҳам жамият, менимча, вазиятни яхшилаш имкониятини аниқравшан кўрди. Мамлакатнинг соғлом фикрли барча фуқаролари кўпчилиги бу баёнотни қўллаб-қувватлади. Ҳозир сиз билан бизда СССР Вазирлар Маҳкамаси билан жумҳуриятлар ҳукуматларининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш дастури мавжуд. Бу дастурнинг биргаликда ишлаб чиқилганлиги муҳим, ўртоқлар. Мен жўнаб кетаётганимда ҳужжатни Россия раҳбарияти ҳали имзоламаган эди, бу ҳужжатни Россия раҳбарияти ҳам имзолайди, деб умид қиламан. Ҳозирги вазиятда келишилган умумий позицияни акс эттирадиган ҳужжатлар амал қилади деб умид боғлаш мумкин. Ҳамманинг бир соҳада, ягона йўналишда ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ишни таъминлашга қодир бўлган бошқа восита йўқ.

Тангликка қарши тадбирларни амалга оширишта доир ишларнинг асосий оғирлиги 1991 йилга тўғри келади. Хўжалик алоқалари барбод бўлиши ва ишлаб чиқариш таназзули янада авж олишини тўхтатиб қолиш айниқса муҳимдир.

Ҳозир шахтёрлар жамоаларида жуда катта иш олиб борилди. Ўртоқ Шчадовнинг менга айтишича, шахтерлар ҳозир Вазирлар Маҳкамасида шу масала учун жавобгар бўлган ўртоқ Догужиев билан ҳамкорлик қилиб, ишлаб чиқариш алоқаларини ва бутун ишлаб чиқариш жараёнини тиклашни, уни меъёрий мезонга солишни ёқлаб фикр билдирдилар. Ҳукумат бир қанча аниқ масалаларни ҳал қилишни ҳисобга олганда, шахтерлар кўмир қазиб чиқариш йиллик режасини бажариш имконияти борлигини кўриб туришибди.

Металлургларга бой берилган натижаларни тиклаб бўлмаса ҳам бу йилнинг ўзидаёқ биз умид қилган даражага чиқиб олишни кўзлаб ишламоқдалар, нефтчилар ҳам шу мақсадда ўртоқ Величко билан биргаликда ишлашмоқда. Нефтчиларда ҳам умид бор. Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси катта иш, чунки улар энергетикага ҳам, бошқа тармоқларга ҳам таъсир қилади.

Биз базавий тармоқлар хусусида белгилаган режаларимизни амалга ошириб, бошқа барча тармоқлар учун омил яратишимиз лозим, айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқлар учун омил яратишимиз лозим. Бу тангликка қарши дастурда кўзда тутилган. Молия соҳасида қаттиққўллик сиёсатини давом эттириб, айни вақтда ишлаб чиқариш жамоалари ўз фаолиятини ривожлантириш учун имконият бермоқ керак.

Бу ерда вилоятлардаги каби ҳосил етиштириш ва йиғиштириб олишнинг ўткир мавзулари тилга олинди. Қанчалик қийин бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигига ҳозирги кескин вазиятда мумкин бўлганича энг кўп миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Баҳорги ишлар об-ҳаво Ўзбекистондаги каби зарар етказган ёки ёғин-сочинли, иссиқ ҳаво кечикиб қолган минтақалардан ташқари асосан меъёрида. Ҳосил учун асосий замин яратилди. Ҳозирги вазифа ўрим-йиғимга тайёргарлик кўришдан, шаҳарларнинг, саноатимизнинг барча имкониятидан фойдаланишдан иборат. Бу соҳада ҳам барча чоралар — ҳам иқтисодий, ҳам маъмурий чоралар зарур.

Ўтган куни ижарачилар олдида сиз дон етказиб бериш мажбуриятингизни ҳалол бажарасиз, биз эса ҳосилни йиғиштириб олишда ёрдам берамиз, деб Нурсултон Абишевич билан ўзаро мажбуриятларимизни қўл бериб тасдиқлаб олдик. Мен буни жуда яхши шартнома деб ўйлайман. Москвага қайтиб борганимдан сўнг яна нималар қилиш мумкинлиги ва лозимлигини жумҳуриятингиз иштирокида қайта кўриб чиқишга топшириқ бераман. Фақат сизнинг жумҳуриятингизга нисбатан эмас. Барча жумҳуриятларга нисбатан яна нималар қилиш мумкинлиги ва лозимлигини қайта кўриб чиқиш керак.

Учрашувларимизда саноатдаги, бутун иқтисодиётдаги ислоҳотни олға силжитиш мавзуси янгради. Шу муносабат билан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш муаммоси ўткир тарзда тилга олинди.

Биз мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан, шахсий мулкчилик шаклини ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан давлат тасарруфидан чиқариш ижтимоий мулкчиликни ёппасига хусусий мулкчилик билан алмаштириш деган таъриф бизга тўғри келмайди, деган хулоса чиқади. Биз аралаш иқтисодиёт сари боришимиз керак.

Башарти, биз мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилмасак, ишлаб чиқариш муносабатларини, инсоннинг ишлаб чиқаришдаги аҳволини ўзгартирмасак, у ҳолда меҳнат қилиш манфаатларини, омилларини етарли даражада асосли тарзда ишга сола олмаймиз. Шу сабабли мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан воз кечмаслик, балки аксинча бу йўлдан дадил бориш керак. Фақат битта шарти бор, одамларимизнинг бутун-бутун авлодлар томонидан вужудга келтирилган мулк ўғрилар қўлига ўтиб қолмасин, деб жиддий хавфсирашларига ўрин қолмасин. Лекин бу қонунлар билан боғлиқ масаладир. Шундай бўлиши керак. Менимча, буни қонун чиқарувчи муассасалар, жамоатчилик ҳар томонлама батафсил кўриб чиқадилар. Бутун халққа ва ҳар бир меҳнат жамоасига дахлли бўлган бу ишни юқоридан туриб тиқиштириб бўлмайди. Бу ишни жамиятимизнинг ўзи ҳал қилиши лозим. Бу йўналишда жумҳуриятингизга ҳам, бошқа жумҳуриятларда ҳам иш олиб борилаётганлигини биламан. СССР Олий Кенгашида қонун лойиҳасининг иккинчи муҳокамаси бошланади. Ўртоқ Павлов шу масала юзасидан маъруза қилади. Ишончим комилки, одамларга хўжалик соҳасида ташаббускорлик, ижодкорлик, ишбилармонлик учун имконият яратиб бериш мақсадида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги масалани тўғри ҳал эта оламиз.

Яқинда ижарачилар съездида қатнашдим. Ҳозир ижарачилар 11 миллион киши, ижарада қандайдир дўкончалар ва қандайдир қичкина корхоналаргина эмас. Ҳозир КамАЗ ҳам ижарага берилган.

Ижарага ўтган кишиларнинг кўплари мутлақо бошқача фикр юритадиган ва ҳаракат қиладиган бутунлай бошқа одамлардир. Агар саноатда йилнинг дастлабки тўрт ойида ишлаб чиқариш 5 фоиз камайган бўлса, ижарачилар ишлаб чиқаришни 1,5 фоиз кўпайтирдилар. Бинобарин, ижарачи жамоалар билан қолган бутун саноатнинг иқтисодий натижалари ўртасидаги тафовут 6,5 фоизни ташкил этади. Бунинг устига асосан энг ёмон ишлайдиган, энг ожиз корхоналар ижарага берилган. Лекин одамларнинг манфаатлари амал қила бошлади.

Қозоғистон раҳбариятининг иқтисодиёт шаклларини янгилашга пухта, асосли равишда ва ғайрат билан ёндашаётганлигини қўллаб-қувватламоқчиман. Бу ишда Иттифоқ идораларининг тушуниб етиб ҳамкорлик қилиши ва мадад беришига умид қилишларингиз мумкин. Бу соҳада ёндашувлар кўпроқ ўхшаш бўлмоқда. Бу қадар катта, нуфузли жумҳурият ана шу ҳал қилувчи янгиланиш жараёнларига фаол қўшилганлиги ҳам муҳимдир.

Жуда кўп баҳслар бораётган битта энг муҳим масала хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзи бировлар ташқи сиёсий фаолиятимизни стратегик маглубият қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Мен бундай уқувсиз мулоҳазалар хусусида одатда баҳслашиб ўтирмайман. Ташқи сиёсатимизда принципиал жиҳатдан қилинган ишларнинг ҳаммаси янги тафаккур ўзанида бўлди. Ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган энг яхши кучлар иштирокида тайёрланган теран ишланмалар негизида халқаро соҳада катта битимлар тузилди.

Президент шу ташқи сиёсат билан нима учун шу қадар кўп шуғулланади деганларида, бу гаплар ташқи фаолият соҳасида газеталар ёзаётганлиги, радио, телевидение хабар қилаётганлиги сабабли бўлса керак. Биз ўртоқ Назарбоев билан, бошқа жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан, олимларимиз, хўжалик ходимлари, деҳқонлар, ишчилар, маданият арбоблари, ўқитувчилар билан, ижарачилар билан учрашганимизда эса бу ҳақда жуда кам хабар қилинади ёки ҳеч нарса хабар қилинмайди, катта кенгашлар, конференцияларгина бундан мустаснодир. Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ишида ички ишлар асосий ўрин тутади. Ўртоқлар, ташқи сиёсий иш билан шуғулланишга тўғри келган пайтларда ҳам ҳамма вақтимиз ва бутун кучимиз ички ишларга бағишланган. Биз туб ислоҳотларни бошлаган ҳозирги пайтда ҳам бу соҳага эътиборни бўшаштирмаслик керак. Бизга қулай халқаро шароит зарур. Биз янги мудофаа доктринамиз асосида бундан буён оқилона қуролсизланиш йўлидан боришимиз, бу жараёнга бошқа мамлакатларни ҳам жалб этишимиз керак. Биз ҳарбий харажатларни оқилона қисқартириб, ҳарбий ишлар юки остида қолган иқтисодиётимизни инсон томон тезроқ буриб юборишимиз мумкин бўлади. Энг яхши фондлар, энг яхши ходимлар, энг яхши олимлар ўша ерда. У ерда конверсия йўлида улкан истиқболлар очилмоқда.

Қатъий ўзгартишлар даврига бевосита қадам қўяётган ҳозирги пайтда биз иқтисодий ислоҳотни кучайтиришга доир ҳаракатларимизни чет мамлакатлар билан баҳамжиҳат ҳаракатларга ўзига хос мувофиқлаштириш йўлидан боришимиз керак.

Шу муносабат билан бу хусусдаги мулоҳазаларимни иқтисодиёти яхши ривожланган етти давлат вакиллари билан ўртоқлашиш тўғрисидаги ғояни ўртага қўйдим. Бунга нисбатан турлича фикр билдирилаётганига эътибор берган бўлсангиз керак, шунга қарамай, менимча, ижобий фикрлар кўпроқ бўляпти. Қайта қуриш — бизнинг ишимиз, бизнинг асосий ташвишимиз, бизнинг бош муаммоларимиз, бизнинг сабр-бардошимиз, албатта. Масъулият, аввало, ўзимизнинг зиммамизга тушади.

Аммо, мен очиғини айтишим керак, агар иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан самаралироқ ҳамкорлик қилиш йўлига чиқиб олсак, ишларимиз тағин ҳам муваффақиятли олға силжиган бўларди. Бунинг учун биз хорижий сармоя эгаларини қизиқтира оладиган шарт-шароитни яратишимиз керак.

Қозоғистон диёридаги учрашувларда шунга мен қатъий ишонч ҳосил қилдимки, агар биз кўп миллатли давлатимизни ислоҳ қилиш жараёнида сусткашлик қилсак, бу жараённи чўзиб юборсак ёки кимнингдир ана шу жараёнга аралашишга йўл қўйсак, у ҳолда диёримизда, мамлакатнинг бутун ҳудудида, жумҳуриятларда ва минтақаларда тотувлик ва тинчлик бўлмайди. Бу ҳақда ўртоқ Назарбоев билан бир неча кун, ҳатто тунлари ҳам гаплашдик.

Шуни айтишим керакки, ғоят хилма-хил одамлардан тўғридан-тўғри ва талабчан саволларни жуда кўп эшитдим: нима учун Иттифоқ ва бир қанча бошқа жумҳуриятлар даражасида кўп миллатли давлатимиз учун туб аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал қилишда Қозоғистон диёрида сезилиб тургандек масъулият кўрсатилмаяпти, деб сўрашмоқда. Менимча, бундай эмас, фикримни 17 мартдаги референдум якунлари тасдиқлайди. Ҳар қандай ғовларга қарамай, халқ референдумда қатнашди ва Иттифоқни сақлаб қолиш ва айни пайтда уни янгилашни ёқлаб, мустақил жумҳуриятларнинг ҳақиқий демократик федерацияси учун овоз берди. Халқнинг бу иродасини менсимасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шунга қарамай, ўзини ҳар томонга ташлаб ва бизни шу масала хусусидаги мунозарага тортиб, уни ҳал қилишдан ўзларини олиб қочаётган одамлар Иттифоқ тарафдорими ёки Иттифоқ тарафдори эмасми, бу Иттифоқни улар қандай тасаввур этаётганликларини тўғридан-тўғри очиқ айтишларига тўғри келади. Халқ олдида жавоб беришга ҳам тўғри келади.

Ҳозир биз энг масъулиятли босқичга ўтдик, деб ўйлайман, бу босқич яқин вақт ичида янги Иттифоқ шартномасини имзолаш сари силжиш бўлишини ваъда қилмоқда. Тайёргарлик комитети иш бошлади. Унинг мажлиси тўғрисидаги хабарда айтилганидек, июнь ойида у Иттифоқ шартномасининг келишилган лойиҳасини иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари маъқуллаши учун топширади.

Бугун олмаоталикларидан бири Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва уни имзолаш даврида халқ қувватлаётган жумҳуриятлар қудратли бўлса, марказ қудратли бўлади, деган қоида амалга оширилиши керак, деган истакни билдирди. Мен унга бу фикрни қўллаб-қувватлашимни айтдим. Жумҳуриятлар ҳозирги пайтда ўзлари ҳал этаётган муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлмаган давлатимизнинг унитар тусидан — ўта унитарликдан воз кечиб, иккинчи томонга бутунлай четга чиқиб кетмаслигимиз ва Иттифоқни ҳаётга ноқобил бўлган қандайдир мўрт нарсага айлантириб қўймаслигимиз керак. Бу кулфат бўлур эди. Бундай қилиш давлатнинг унитар туси бошимизга солганидан қолишмайдиган кулфат бўлур эди. Нима учун? Чунки соғлом ривожланиш учун, қандайдир уюшма, қандайдир конфедерация эмас, балки ҳаётий, реал федерация зарур бўлган воқелик шаклланиши учун бир ҳолда минг йил, иккинчи ҳолда 200—300 йил, учинчи ҳолда 50 йил талаб қилинди. Барча республикаларнинг, ҳамма халқларнинг, истиқомат жойидан қатъи назар, барча миллатларга мансуб фуқароларнинг муштарак манфаатларини ҳимоя қилишга, рўёбга чиқаришга қодир бўлган янги Иттифоқ давлати зарур.

Миллий хонадонларга тарқалиб кетиш, миллатлараро чегаралар туфайли баҳслашиш ва жанг қилиш — ҳамма учун ҳалокатли бўлур эди. Шугина эмас, бундай қилиш бутун маърифатимиз учун жуда қимматга тушган бўлур эди.

Бундай ҳолларда кимлардир четда қоламан деб ўйлаётган бўлса, беҳуда ўйлабди. Чегараларни қайта тузиш, одамларнинг ва халқларнинг оммавий равишда кўчиши, давлатнинг тарқалиб кетиши — кимга керак? Халқ референдумда Иттифоқни сақлаб қолиш учун овоз берди. Халқаро жамоатчилик, хориждаги масъулиятли сиёсатчилар Совет Иттифоқи Ер юзида тинчлик ва барқарорликнинг асосий таянчларидан бири бўлиб қолиши тарафдоридир. Шундай экан, ўзгача иттифоқ кимга керак?

Мен жумҳурият раҳбариятининг, ўртоқ Назарбоевнинг, янги Иттифоқ қурилишини, янгиланган федерацияни ёқлаётган барча қозоғистонликларнинг аниқ ва равшан позициясини қувватлайман. Бутун Қозоғистон — Иттифоқни сақлаб қолиш ва янгилашнинг таянчи бўлган ўлкалардан биридир.

Учрашувлар ва суҳбатлар чоғида ҳозирги ҳақиқий вазият шароитида партия фаолияти тўғрисида саволлар берилди. Қайта қуриш жараёнлари, партиянинг ўзини ислоҳ қилиш қийинчилик билан бормоқда. Бу кўп нарсага таъсир қилмоқда. Менимча, партия ўз характерига, фаолиятига, қиёфасига буйруқбозлик-маъмуриятчилик тизими етказган барча салбий жиҳатларни қатъият билан улоқтириб ташлаб, энг яхши жиҳатларни сақлаб қолиши лозим. Ўртоқлар, бу жараённи охиригача етказишимиз ва бутун жамият, Иттифоқимиз, унинг халқлари қайтадан тикланаётганидек, партияни ҳам қайта тиклашимиз керак.

Партия — энг муҳим сиёсий муассасалардан биридир. Мен партияда кечаётган унча жўн бўлмаган жараёнлар учун шахсан жуда катта масъулиятни ҳис этмоқдаман. Биз қандай ҳаракат қилишимиз керак? XXVIII съезд йўлидан бориш, шу йўлга амал қилиш лозим. Съезд қарорлари қабул қилинишига қарши чиққан кучлар тақдирга тан берганлари йўқ. Улар ҳар хил ташаббускорлик анжуманлари орқали, бошқа ҳар хил тадбирлар орқали ҳал этилган масалаларни қайта кўриб чиқишга, уларни кескинлаштиришга яна уринмоқдалар. Шу йўл билан партиянинг ўзига зарба урмоқдалар. Партия халқ билан биргаликда тарихий жиҳатдан улкан аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этиши лозим бўлган ҳозирги пайтда уни ички мунозарага ва очиғини айтаман — ўзини ўзи барбод этишга тортмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимидан истеъфога чиқиш тўғрисидаги масалани шунинг учун ҳам ўртага қўйган эдимки, мен партия ичидаги бизни орқага қайтишимизни хоҳлаётган шу оқимларга қўшила олмайман. Бунинг устига биз ҳозир XXVIII съезд қарорларига мувофиқ КПСС Ҳаракат дастурини тайёрлаш устида ишлаяпмиз. Дастур комиссияси бор, у ишлаб турибди, Ҳаракат дастури лойиҳасининг дастлабки варианти иш тартибида муҳокама қилинди, жиддий таҳлил этилиб, танқид қилинди. Жуда кўп мулоҳазалар айтилди ва ҳозир мен, бу ерга, Қозоғистонга жўнашимдан олдин лойиҳанинг янги вариантини дастур комиссиясининг аъзоларига жўнатдим.

Янги дастур шундай базаки, унинг асосида партиянинг қандай бўлиши узил-кесил аниқлаб олинади. Бундай дастурни қабул қила олмайдиганлар нима қилишни ўзлари ҳал қилсинлар. Бу Ҳаракат дастури танлаб олинган социалистик йўл доирасидаги илғор дастур бўлади, деб ўйлайман.

Партияни ислоҳ қилиш қанчалик қийин бўлмасин, мен бу ишга ишонч билан қарайман. Янги Ҳаракат дастури негизида партиянинг жипслашишига, бирлигига эришилса ва парчаланишга йўл қўйилмаса, бу энг катта ғалаба бўлур эди. Чунки акс ҳолда бу фақат КПССга эмас, балки бутун қайта қуриш сиёсатига зарар етказишни хоҳловчиларга яхши совға бўлур эди. Бу муҳим масала хусусида менинг қисқача жавобим мана шундай.

Ўртоқлар, сизларга жуда кўп нарсани айтмоқчи эдим, шу кунларда бу ерда кўрган ва эшитганларимни қалбимга яқин тутиб, дастлабки тайёрлаб қўйганларимни бир четга суриб, эътиборни асосий масалаларга қаратишга ҳаракат қилдим.

Ишда, ҳамкорлик қилишда сизларнинг мададингизга умид қиламан, ўртоқлар. Бизнинг ҳамжиҳатлигимиз юқори босқичда, бинобарин, бу ҳамжиҳатлик бўшашмайди, аксинча кучаяверади, деб ўйлайман. Ҳаммангизга муваффақият тилайман ва ишни шу тарзда давом эттиришингизни истайман.

ПОРЛАЙВЕР, «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залига кечқурун таниқли шоиру адиблар, адабиётшунос ва танқидчилар, журналистлар ва «Шарқ юлдузи» ойномасининг муҳлислари йиғилишди. Очиғини айтиш керак, жумҳуриятимизда алоҳида обрў топган бу адабий нашрнинг 60 йиллик тўйи оқшоми бутунлай ўзгача руҳда ўтди. Аввало, саҳна тўрига одатдагидек раҳбарлару иззатталаб маданият казолари эмас, балки журналнинг чинакам «қул»лари ва «чўри»лари — кекса ва инжиқ талабчан муҳаррир, хушёр мусаҳҳиҳлар, машинкачи ва фаррош опаҳонг таклиф этилди. Ойнома бош муҳаррири Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг камтарона мухтасар маърузасидан сўнг қутловлар бўлди. Олдинги шундай тадбирлардагидан фарқ қилувчи яна бир жиҳат: ҳамду санолар каму амалий истак ва мулоҳазалар мўл бўлди.

Ўзбекистон ССР Президенти, республика Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби И. А. Каримовнинг табрикномасини йиғилганлар катта эътибор билан қутиб олдилар. Уни Президентнинг маслаҳатчиси, ЎзФА мухбири аъзоси Б. Назаров ўқиб эшиттирди.

«Шарқ юлдузи»га анча йиллар бош муҳаррирлик қилган атоқли адиб Асқад Мухтор олиб борган тантанали мажлисда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, профессор Озод Шарафиддинов, шоирлар Йўлдош Сулаймон (Фарғона), Ойдин Хожиева, Тўлан Низом (Андижон), Исмоил Тўхтамишов (Қашқадарё), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, республика ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котибининг муовини Мирпўлат Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Нотиқлар ўзбек адабиётининг равшан кўзгуси бўлиб бораётган ойноманинг адабий мерос, маданият тарихи масалаларини ҳолис ёритишдаги хизматларини мамнуния билан қайд этдилар. Айни пайтда «Шарқ юлдузи» бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳам янада кенгроқ, билимдонлик билан таҳлил этишда бадиий сўз усталарининг муносиб минбари бўлиб қолишига ишонч билдирилди. Ойнома ва унинг ижодий жамоасини Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон адабий-бадиий нашрларининг вакиллари қизғин муборакбод этишди.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби К. Юсупов, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, шаҳар Кенгашининг раиси А. Фозилбеков ўртоқлар иштирок этдилар.

А. АБДУБАННОНОВ.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Андижон вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум иштирокчилари партия комитетларининг узлуксиз таълим системасини жорий этиш, ўқувчилар ва талабалар билими сифатини яхшилаш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси К. Х. Холмирзаев маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Самарқанд, 31 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари вилоят Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия иштирокчилари маҳаллий Советларнинг табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳамда экология вазиятини тубдан яхшилаш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдурахмонов нутқ сўзлади.

СССР Вазирлар Маҳкамасида

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЁРДАМ БЕРИШ ЖАМҒАРМАСИ

● ССР Иттифоқи ва республикаларнинг аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асосларини амалга ошириш ҳамда СССР Олий Кенгашининг мазкур асосларни кучга киритиш тўғрисидаги 1991 йил 15 январь қарорини бажариш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси маҳаллий, республика ва Иттифоқ даражаларидаги давлат иш билан таъминлаш хизмати таркибида иш билан таъминлашда ёрдам бериш давлат жамғармасини ташкил этди ва мамлакатда иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни пул билан таъминлашни ташкил этиш учун жавобгарликни унинг зиммасига юклади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ҳар ойда иш билан таъминлашда ёрдам бериш давлат жамғармасига пул ўтказиб туришлари шарт. 1991 йилда мазкур жамғармага ўтказиладиган ажратмалар нормаси, агар республикалар қонунларида бошқа норма кўзда тутилмаган бўлса, меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағнинг бир фоизини ташкил этади.

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлигига СССР Молия вазирлиги билан биргаликда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва кооперативлардан уларнинг мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, иш билан таъминлашда ёрдам бериш давлат жамғармасига мажбурий ва муайян мақсадга йўналтирилган молиявий ажратмалар олиш ҳамда уларни ҳисоблаб бориш тартиби тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда бу тавсияларни СССР Давлат банки билан келишиб тасдиқлаш, мазкур фондга Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағни, шунингдек, совет, чет эл корхоналарининг, жамоат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ихтиёрий бадалларини ҳамда бошқа тушумларни ҳисобга олиб бориш топширилди.

Иш билан таъминлашда ёрдам бериш давлат жамғармасига Иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетлар мажбурий ажратмаларининг ўз вақтида ва тўла тушиб туришини, ма

*

● ҚАШҚАДАРЁ. Нишон район маҳаллий саноат комбинатида ўйинчоқ цехи очилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Оренбург вилояти билан ҳамкорликда тайёрланмоқда. Йил охригача 100 минг сўмлик ўйинчоқларни савдо тармоқларига чиқариш мўлжалланмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат, [ЎзТАГ].

*

МИНГ ДАРДГА ДАВО

• ТАБИАТ ВА ИНСОН

ИНСОН табиат қўйнида яшар экан, унинг саховати бўлмиш ҳаётбахш ҳавоси, зилол сувлари, оромбахш тоғлари, сўлим ўрмонлари ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлади. Кўркам табиатимизнинг марҳаматидан бири бўлмиш наботот олами инсониятга нафақат озиқ-овқат бўлувчи неъматлари, балки шифобахш ўсимликлари билан ҳам азиздир.

Ҳозир илмий тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб қирқ фоизидан зиёдини ўсимлик маҳсулотлари ташкил қилади. Табиат неъматларидан олинадиган дори-дармонлар кимёвий, сунъий йўл билан олинадиган доривор омилларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Чунки табиат эҳсони бўлмиш ўсимлик маҳсулотларидан таркиб топган дорилар деярли асоратсиз ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳозир табиий дори-дармон ҳисобланадиган ўсимлик маҳсулотидан фойдаланиш устида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дастлабки шифобахш ўсимликлар ҳақидаги асарлар қадимий Греция табиби Гиппократ (Шарқда уни Буқрот ҳаким деб аташади, эрамизгача бўлган 460-377 йиллар) қаламига мансуб. Ўша замон тиббиётида қўлланиладиган икки юздан ортиқ ўсимлик хусусида маълумотлар беради. Эрамизнинг биринчи асрида қадимий замонларда қўлланган барча шифобахш ўсимликларга машҳур грек табиби Диоскорид (Дискаридус) томонидан таъриф берилган эди. Румолик аллома Плиний Старший ўн икки жилдлик шифобахш ўсимликлар қомусий асарини ёзган. Шифобахш ўсимликлар маҳсулотидан фойдаланиш йўлларини биринчи бор Гален (Жолинус) кўрсатиб берган. Бундай ўсимликлардан тиббий мақсад учун фойдаланиш борасида буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг хизмати тиббиёт илмининг ривожланишида бениҳоя катта. Ҳозирги замон фармакопеяси замирида Ибн Синонинг кўплаб дастурлари ётади. Унинг шоҳ асари бўлмиш «Китоб ал-қонун фит-тибб» (Тиб қонунлари») асарида таърифланган доривор ўсимликларнинг 396 туридан 165 таси ҳозирги замон тиббиёти амалиётида қўлланилмоқда. Ибн Сино маълум хасталиклар учун тавсия этган 110 та ўсимлик маҳсулоти СССР фармакопеясидан жой олган. Бошқача қилиб айтганда, мазкур ўсимликлар таркибидаги доривор моддалар илмий жиҳатдан ҳам инобатга олинган.

Бугунги кунда жаҳон бўйича илмий тиббиётда ва халқ табобатида жами 120 мингдан ортиқ ўсимлик тури ишлатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва маданийлаштирилган ўсимликларнинг сони тўрт мингдан зиёд. Шулардан 500 дан зиёди шифобахшдир.

Афсуски, ўзининг шифобахшлиги билан танилган доривор ўсимликларнинг сони тобора камайиб кетмоқда.

Бир вақтлар дастурхонимиз кўрки бўлган ва ўзининг шифобахшлиги, серҳосиятлилиги билан ажралиб турадиган жийда ноёб неъматлардан бирига айланиб қолди. «Луқмон дарахти» номи билан ном чиқарган ёнғоқ ҳам шундай хосиятга эга. Барчани тансиқ шарбати билан қондирадиган балх тути, шотутни фақат эслаб юрадиган вақт келди. Ўзбек пазандачилигининг безаги бўлган зиранинг топилиши амри маҳол. Табиий зиразорлар кимларнингдир нощудлиги туфайли камайиб кетяпти. Бир чимдим асл зирага аралаштирилган говзирани фалакдаги нархда харид этишга мажбур бўлишимизга тўғри келади. (Ҳозир ўлкамиз бағрини безайдиган кийикўт, тоғрайҳон, зирк, хандон писта, қағоти бодомлар ноёб наботот намуналари сафидан ўрин олмоқда. Оврупо назарини асир этган, голландияликларни ҳайратга солган ёқутлибос лолалар қани? Шарбати беморлар дардига шифо Дашнабод анорини энди фақат қариялар ҳикоясидан биламиз, холос.

Биз қуйида ноёб тусга кириб қолган айрим наботот намуналарининг шифобахшлик хосиятини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Мазкур ўсимликларни муҳофазага олиб, уларни мумкин қадар кўпайтириш ҳақида кўпроқ ўйласак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ЖИЙДА халқимиз орасида шунчалик қадр топганки, уни ўз даврида нон ва чой сифатида эъзозлашган. Жийда халқимиз бошига энг оғир, очарчилик кунлари тушган бир пайтда нон ўрнини босиб, бир қанча кишиларни ўлимдан қутқариб қолган дамлар ҳам бўлган. Жийда мевасининг этли қисмидан қиём, турфа ширин ичимликлар тайёрланган бўлса, унинг данакли мағзини тегирмонда тортиб нон қилиб ейишган. Жийданинг қуритилган баргидан чой ўрнида фойдаланилган.

Анъанавий халқ табобати амалиётида жийда мевасининг ёки улар асосида тайёрланадиган дамлама боларда учрайдиган ич кетишига қарши даво ҳисобланади. Дамлама нафас йўллари шамоллаганида таскин берувчи муолажа омили бўлиб хизмат қилади. Мазкур қайнатмалар ошқозон-ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Замонамиз тиббиёти амалиётида жийдадан дармонсизликда, камқонлик, терининг нохуш қазоқланишида, бўй ўсмай қолишида истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунингдек, жийда меваси одам тана аъзоларида нафис биокимёвий жараёнларда фаоллик кўрсатади, яъни туз-сув мутаносиблигини сақлаш учун, фикрлаш қобилиятини ошириш учун истеъмол қилиш тавсия этилади.

Жийдада фойдали моддалар кўп. Унинг меваси таркибида 65 фоизгача қанд, 11 фоиз оқсил, клетчатка, ёғ, ошловчи моддалар, органик кислоталар бор. Булардан ташқари жийда мевасининг этли қисмида калий, фосфорли тузлар, B_1, B_2, PP, E дармондорилари мавжуд. Нон жийда меваси асосида саноат миқёсида пшиатин номли доривор омил олинган бўлиб, у кишининг оғиз бўшлиғи қуруш тортганда, яллиғланганида чайқаш учун, ич кетишига қарши, қон босимини пасайтирувчи восита сифатида тавсия этилади.

Жийда ёруғсевар бўлганлиги сабабли Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда яхши ўсади ва ҳосилга киради. Унинг қаламчаси, данаги ҳамда вегетатив йўл билан осон кўпайтириш мумкин. Ўсимлик уч-тўрт йилда ҳосилга киради. Жийда илдизда азот унсурини тўпловчи туганак бактериялар (актиномицет) бўлганлиги туфайли тупроқнинг озуқабоп омиллар билан таъминланишига ёрдам беради.

Табиатшуносларимизнинг афсусланиб айтишларига қараганда, нон жийданинг қандак жийда, қалампир жийда деб номланувчи хиллари борган сайин камайиб кетмоқда. Умуман, жийдани экиб кўпайтириш фақат дастурхонимизга қут-барака киритибгина қолмай, шифобахшлиги билан ҳам фойдалидир.

Осиёда тутнинг маржон доналарини тансиқ неъмат, шифобахш омил сифатида истеъмол қилибгина қолмай, балки оқ тут баргини ипак қуртининг озуқаси сифатида ҳам фойдаланиб келинишига мингларча йиллар бўлган.

Қадим замондан буён Шарқ халқлари табобати амалиётида тут меваси бир қатор хасталиклар давоси сифатида фойдаланилади.

Ибн Сино тут меваси ҳамда мева ширасининг оғиз ва томоқ яллиғланишини, оғиз бўшлиғидаги шишларни, ичбуруғ касаллигини даволаган. Шунингдек, буюк табиб балх тутининг сархил барг ширасини танглай муртакларининг яллиғланишини ва тиш оғриғини даволашда тавсия этган.

Балх тути иситмани қайтарувчи, кишига дармон бағишловчи, қон кўпайтирувчи неъмат сифатида истеъмол қилинади. Тут меваси ва шарбати беозор пешоб ҳайдовчи восита ҳисобланади. Тут ичак фаолиятини мустаҳкамлайди, безгак асоратини туғатади. Кунжут мойи билан тут дарахти пўстлоғининг кукуни аралаштириб тайёрланган суртма жароҳатни даволашда ижобий натижа беради. Мевасида темир унсури салмоқли миқдорда бўлганлиги туфайли камқонликка (анемия) чалинган беморларга истеъмол қилиш тавсия этилади. Тутнинг қуюқлаштирилган шарбати хаб дорини шаклга келтиришда қовуштирувчи омил сифатида фойдаланилади.

ХАЛҚИМИЗ тут қоқиларидан кулча ва сомсалар ёпадилар. Тут шинниси нафақат татимли ширинлик бўлибгина қолмасдан, балки «иликни тўқ» қилади, тана аъзоларига куч-қувват беради, мияни пешлайди. Тут меваси асосида тайёрланадиган сирка табиатлилиги билан ажралиб туради, қоннинг қуюқ тортишидан асрайди.

Миришкор соҳибкорлар, боғбонлар томонидан пайванд қилиш йўли билан етиштирилган марвартак тут, бодроқ тут, кўкпишар тут каби навлар тансиқ мева сифатида жуда қадрланади.

Балх тути, оқ тут меваси таркибида 25 фоиз қанд, азотли моддалар, органик кислоталар, С дармондори, маъданли унсурлар, ошловчи моддалар унга жо бўлган.

Сўз тут борасида кетар экан шотут хосияти тўғрисида тўхталмасдан бўлмайди. Шотут табобатда кўпгина дардларга малҳамдир. Шотут меваси таркибида 12,7 фоиз қанд моддаси, танаманзур органик кислоталар, оқсил, пектин, бўёвчи омиллар, зарра маъдан мажмуалари бор. Шотут меваси чилонжийда меваси билан бирга қайнатиб, бўғма ва қизилча касалликларини даволашда ишлатилади. Оғиз бўшлиғи яллиғланганида, караш боғлаганида ана шундай қайнатма билан чайиш тавсия этилади. Шотут ва ундан тайёрланадиган чули чанқоқ қолдирувчи, ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида ҳам қўлланилади.

Буюк табиб Ибн Сино шотут баргининг шираси билан томоқ, оғиз ва тиш касалликларини даволаган. Мевасини ич бурма, бош оғриғи, қон кетиш касалликларини даволашда ишлатган.

Кийикўт асосида тайёрланувчи доривор омиллар эса томоқ оғриғи, меъда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санчиғи, беҳаловатликда таскин берувчи муолажа сифатида тавсия этилади. Кийикўтдан тайёрланган дамлама оқма, мараз, заҳм, ичбуруғда, йўғон ичакнинг яллиғланишида истеъмол қилинади.

Кийикўтнинг барг ва гуллари асосида тайёрланадиган доривор омиллар, жумладан чой хафақон хасталигига даво.

Кийикўт таркибида, яъни поя ва тўпгулларида 2,5 фоиз атрофида эйфер мойи бўлиб, унда ментон, пулегон, пинен ва ментол мавжуд. Шунингдек, кийикўт ўзида дармондорилар, органик кислоталар, зарра маъданлар ва бошқа биологик фаол моддаларни сақлайди.

Умуман олганда, «яшил дўстлар»имиз ҳисобланувчи ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш, уларни иложи борича кўпайтиришга ҳаракат қилишимиз даркор. Шундагина уларнинг саховатидан тобора кенгроқ баҳраманд бўламиз.

Эркин ЖУРАЕВ,
фармацевтика фанлари номзоди, олий даражали доришунос.

Маннон НАБИЕВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот илмгоҳининг катта илмий ходими.

• Тадбиркорлик—бугунги кун талаби

ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Мана, элимизга бозор иқтисодиёти ҳам кириб келди. Ўзбек деҳқони турмушида ҳам яхши ўзгаришлар бўлишига умид қилмоқдамиз. Энди ҳамма гап қишлоқ хўжалик корхонасининг бозор иқтисодиёти пастубаландига кўникишида, рақобат қилишга ярайдиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришида, ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан иш юритишида қолган.

Хўш, бу пайтгача биз қўл қовуштириб ўтирганмидик? Асло. Хўжалигимиз қишлоқларини бундан йигирма йил аввалги аҳволи билан тақ қосласак, фарқ ер билан осмонча. Йирик қишлоқларимиз шаҳар қиёфасига кирди. Ўндан ортиқ мактаб, йигирмага яқин боғча, клуб, кутубхоналар, чойхоналар ишлаб турибди. Ҳа, йиллар бесамара ўтгани йўқ! Булар асосан пахтадан келган даромад туфайли. Шу боис деҳқон пахтани ёмон, демайди. Унинг қалб қўри, пешона тери билан чаноқларда лўппилўппи бўлиб етилган оппоқ пахтамиз ўз сифати жиҳатидан жаҳон андозалари даражасида эканлиги маълум. Яқинда марказий газеталардан бирида жаҳон пахта бозоридаги аҳвол хусусидаги мақолани ўқиб қолдим. Олимларнинг фикрича, пахта толасига бўлган талаб янада ошиб боравераркан. Демак, келгусимиз қоронғу эмас. Албатта, бозор иқтисодиёти деҳқонда ҳам жиндек савдогар қони уриб туришини ҳам талаб қилади. Чамамда, келгусида биз ўз пахтамизни яхши баҳоларда сота олишимиз учун ораларимиздан менеджерлар, бозор муомаласини чуқур биладиган мутахассислар тайёрлашимиз керак. Лекин энг асосий вазифа — пахтанинг ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, бозорбоп тола етиштириш.

Ўтган йили 1614 гектар ерга пахта эккандик. Ҳар гектар ердан қарийб 38 центнердан ҳосил олдик. Режадагидан 306 тонна кўп — 5277 тонна пахта сотдик. Умумий даромадимиз беш миллион 296 минг сўмни ташкил этди. Бу режадагидан деярли миллион сўм ортиқдир.

Аммо жамоа аъзоларининг турмуш даражаси, маиший аҳволини янада яхшилашга бу камлик қилади. Тўғри, даромадимиз 1989 йилга нисбатан кўп бўлганди. Рўзғор ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх-наволари ошиб кетди. Пулнинг қадри тушди. Хўжалик бошқаруви ва партком аъзолари узоқ муддат маслаҳатлашиб, йиллик кўрсаткичлардан бири — рентабелликни пасайтириш эвазига жамоа аъзоларига бериладиган ҳақни кўпайтиришга қарор қилдик. Бир қарашда бу ғайри-табиий туюлади. Аммо колхозчига берилиши мумкин бўлган маблағни ушлаб қолиб, рентабелликни оширишдан не фойда? Биз йил якуни бўйича хўжалик аъзоларига ўтган йилдагига нисбатан бир миллион 280 минг сўм кўп маблағни қўшимча ҳақ ва мукофот тарзида тарқатдик. Колхозчиларнинг ўртача иш ҳақи ойига 197 сўмга тўғри келди. Бу 1989 йилга нисбатан 67 сўм кўпдир.

Лекин ёлғиз пахтачиликнинг ўзидан келадиган даромад билан иш битмаслиги кўриниб қоляпти. Ҳозирги пайтда хўжалигимиз ҳудудида 16 минг киши яшайди. Шундан 2,5 минг кишигина бизда ишлайди, холос. Ишлар ноҳия марказидаги саноат, қурилиш корхоналарига қатнаб ишлашади. Аёлларнинг кўпи уйда. Ҳамон ишсизлик муаммоси ташвишга соляпти. Аҳоли жуда зич жойлашган, ер майдонлари эса тобора камайиб бораётган Фарғона шароитида минглаб одамларни иш билан таъминлаш учун нима қилиш керак?

Ўтган йили ва шу йилнинг ўтган ойлари давомида 370 гектар ерни аҳолига уй-жой қуриш ва томорқа учун ажратиб бердик. Ер майдонларининг қисқариши натижасида пахта ҳосили ўтган йилдагидан 691 тонна кам бўлиши кутиляпти. Бу эса бирбирига боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳоли даромадини ошириш, ишсизликни бартараф этиш учун режа асосида бир қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Пиллачилик, боғдорчилик, сабзавоткорлик каби анъанавий тармоқларни ривожлантириш билан бирга хўжалик ҳудудида кичик-кичик саноат корхоналари қурилишини ҳам бошлаб юбордик. Ўтган йили ташкил этилган тикувчилик цехида тайёрланаётган болалар кийимлари сотувга чиқарилмоқда. Енгил автомашиналарни созловчи устахонадан ўтган йили хўжалик ҳамёнига 15 минг сўмга яқин даромад тушди. Акаука Собировлар ўз хонадонларида мойжувоз қуришган эди. Уларни қўллаб-қувватладик. Ҳозир бу мойжувоз цехи билан хўжалик ўртасида шартнома тузганмиз. Цех йилига уч тоннадан ортиқ шифобахш зиғир ёғи ишлаб чиқаради.

Ўтган йили 300 минг дона хом ғишт ишлаб чиқарадиган цех қурган эдик. Ишчилар астойдил меҳнат қилишди. Натижалар чакки эмас. Бу йил цехни пишиқ ғишт заводига айлантириш ишини бошлаб юбордик.

Бошқарув йиғилишларидан бирида кимдир Марказий Фарғона чўлларидаги ерларда балиқ етиштириладиган кўл барпо этишни таклиф қилди. Аввалига хўжалигимиз хусусиятига тўғри келмайдиган бу тармоқ билан шуғулланиш ноўриндай туюлди. Аммо ҳисоб-китобларга қараганда 3 гектарлик кўл бунёд этилса, қишлоқ аҳлини йил бўйи арзон ва сервитамин балиқ билан таъминлаш имкони бор экан. Хуллас, уч гектарлик кўл яратдик. Балиқчиларимиз ўтган йилиёқ 2 тонна балиқни колхозчилар дастурхонига тортиқ этишганди. Бу йил эса қишлоқ хонадонлари, мактаб, боғчалар ошхоналарига, дала шийпонларига ўн тоннадан ортиқ балиқ етказиб беришмоқчи.

Колхоз аъзоларига янги ерлар берилиши, пахтадан бўшаган майдонларда янги боғлар ташкил қилиниши яна бир истиқболли тармоқни ривожлантиришга омил бўлди. Зеро, шу йилнинг ўзида 44 гектарлик янги боғ, 17 гектарлик токзор ташкил этдик. Боғларда ўрик, олма, шафтоли, олхўрининг энг яхши, серҳосил навлари барқ уриб ўсяпти. Улардан олинадиган ҳосилни қайта ишлаш учун йилига уч миллион шартли банка мева шарбатлари тайёрлайдиган завод қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти.

Куни кеча республикамиз Президенти «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида» фармон қабул қилди. Бу — ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси. Биргина мисол: ҳозир бир кило гуруч фалон пул, ҳолбуки, бизда шоличиликни ривожлантириш учун шароит ҳам, тажрибали шоликорлар ҳам бор. Ўтган йили ўн гектар ерга шоли эккандик. Яхшигина ҳосил бўлди. Хўжалик аъзоларига ҳар килосини 50 тийиндан 65 тонна гуруч тарқаттанмиз. Бу камдаромад, серфарзанд оилалар учун анчагина мадад бўлди. Бу йил 60 гектар ерни шоли экиш учун ижарачиларга бердик. Ҳосил яхши бўлса, хўжалигимиз аъзолари арзон нархларда гуруч билан тўлиқ таъминланадилар.

Ҳозир четдан келадиган донга умид қилиб, қўл қовуштириб ўтиравердиган пайт эмас. Ўтган йили кузда 120 гектар майдонга буғдой сочган эдик. Колхоз аъзоларига ҳам томорқа ерларига дон экишни маслаҳат бердик. Баҳорда ҳисоблаб қарасак, 170 гектар томорқаларга ҳам дон экилибди. Бу томондан ҳам кўнглимиз тўқ. Тегирмонларимиз ишлаб турибди.

Юзлаб оилалар янги томорқаларда уй-жой қуришяпти. Қурилиш материалларига танқислик катта. Биз РСФСРдаги Хакасия автоном вилоятининг «Партия XX съезди» совхози билан шартнома тузганмиз. Махсус одамларимиз ўша ерда юриб, ёғоч-тахта материалларини жўнатиш билан шуғулланишади. Ўтган йили 30 вагон қурилиш материаллари келтиргандик. Уларнинг аксарияти колхоз аъзоларига сотилди.

Ҳозир пахтакор хўжаликларнинг ҳаммасида бир хил ташвиш — пахта нархи муаммоси. Ўтган йили етиштирилган пахта учун 1991 йил январидан бошлаб янги нархда пул тўланиши дилимиздаги иш бўлди. Агар ана шу нархнинг фарқи хўжаликларга берилса, аҳоли пунктларига ичимлик сув етказиб бериш, қишлоқ йўлларини асфальтлаш каби ишларга қанот бағишларди. Пахтакор хўжаликлар ҳисобига яшаётган, аммо уларнинг эҳтиёжларини қондириш хусусида кам қайғураётган ташкилотлар тақдири ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Агросаноат уюшмаларининг номи ўзгарди-ю, аммо иш услуби ўша-ўша. Деҳқонлар уюшмаси, шахсий томорқалар эгалари уюшмаси... Албатта, ҳар бир янги уюшма ўзининг деҳқонга чиндан ҳам керакли ташкилот эканлигини ўз иши билан исботлайди. Кошки, уларнинг ёрдами билан далада ҳосил кўпроқ битсайди...

Гапим беисбот бўлмасин. Бу йил баҳорда ер текислаш, зовурларни тозалашда анча қийналдик. Чунки — хўжаликда автокран, экскаватор каби йирик механизмлар етишмаслиги туфайли уларни бировлардан катта ҳақ эвазига ижарага олиб ишлатдик. Ҳолбуки, аслида ноҳия суғориш тармоқлари идораси ҳузуридаги хўжалик ҳисобида ишловчи ремонт участкаси бизни қувурлар, бетон ариқ, сув тақсимловчи иншоотлар билан таъминлаши керак. Бироқ ҳозиргача улар бизга бирор нарса топиб бергани йўқ...

Ўзбек деҳқонининг тақдири, умиди, орзу-ишончи пахта чаноғида. Шу чаноқ тўлиб-тошса, бой бўламиз. Биз жаҳон бозорига, аввало, ўз пахтамиз билан чиқамиз. Буни асло унутмаслик ва шу билан бирга хўжаликларни сертармоқ, кўпгина соҳалар бирдай ривожланган замонавий, деҳқончиликсаноат корхонасига айлантириш йўлларини изламоғимиз даркор.

А. АБДУСАМАТОВ,
Бағдод ноҳиясидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, вилоят партия комитетининг аъзоси.

• ПИЛЛА

ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

● ВОБКЕНТ районидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги пилла-корлари 1991 йилги пилла тайёрлаш режасини муваффақиятли бажардилар.

Давлат қабул пунктларига режадаги 58 тонна ўрнига 58 тоннаю 200 килограмм хом ашё сотилди.

Абди Қурбонов, Салом Раҳимов, Эргаш Тожиев, Ғайбулло Мажидов, Баҳриддин Жамолов, Файзулло Неъматов бошлиқ бригадалар ҳар қути ипак қуртидан 65—70 килограммдан қимматбаҳо хом ашё йиғиштириб олиб, режани 120 фоиздан ошириб юборишди. Жамоадаги 400 дан зиёд илғор звено йиллик режасини уддалади. Айниқса Мавлуда Раҳимова, Розия Кароматова, Сайёра Жумаева, Шафоат Равшанова, Дилбар Ёдгорова, Ҳабиба Қосимова, Хушвақт Абдуллаева сингари илғор пиллакорлар ҳар қути ипак қуртидан 95—100 килограммдан ҳосил кўтариб, кўпчиликка ўрнак бўлишди.

Жамоа хўжалиги пиллакорлари бор имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, режага қўшимча яна 2 тонна пилла тайёрлашга ва ялпи хирмонни 60 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Ш. ҲАЙДАРОВ.

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози пиллакорлари 25 тонна ўрнига 27 тоннадан ортиқ пилла топшириб, режани ортиғи билан бажардилар.

Жамила Абдуалимова 245, Карима Эрмекбоева 188, Шавкат Толипов 159, Холдор Қодирова 158, Шоҳодат Муҳиддинова 155 килограмм пилла топширдилар.

Н. ИСАЕВ.

• Оромгоҳлар

«ЗИЛОЛ» СУВИ ДАВОЛАЙДИ

Фарғона вилоятининг Фарғона районн сўлим табнати сирлари туганмас. У одамларга ризқ-рўз билан бирга саломатлик ҳам бахш этади.

Чимён тоғ бағрида иш бошлаган янги саломатлик маскани «Зилол» деб аталди. Унинг фойдали минералларга бой шифобахш суви таркибини ўрганишда Ўзбекистон гидрогеология тартибли фойдаланиш станция мутахассислари тадқиқот олиб бордилар. Станция бошлиғи Босит Акрамхўжаев бундай деди:

— Фарғонадаги Чимён минерал суви таркибида мавжуд бўлган натрий, магний, хлорид, сульфат ва бошқа маъданлар бир қатор хасталикларда жуда фойдалидир. Улар нафас, таянч, тери, гинекология хасталикларини даволашда кўп фойдали. Шифо маскани биринчи марта 60 бемор учун кунига 5 кубометр миқдорда минерал суви тўғри келмоқда. Бу миқдор шифохонанинг кейинги навбатларида кўпайтирилади. «Зилол» суви фойдалилиги жиҳатидан Сочидаги Мацеста сувидан сира ҳам қолишмайди. Серқуёш диёримизнинг бу масканидаги сув манбаи ҳажми 50 йил учун етарли ҳисобланган.

«Зилол» санаторийси бош врачи Умар Латипов:

— Вилоят сув хўжалиги бошқармасига қарашли бу янги маскан биринчи навбати қурилишига 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Қулай хоналарда асаб, умуртқа-бўғин, юрак, қон-томир, сурунқали яллиғланиш касаллиги бўйича сув хўжаликлари ходимлари даволанмоқда. Сўх ишчи ва хизматчилари учун йўлланма 184, бошқа ташкилотлар ишчилари учун 350 сўмдан санаторийнинг ўзида сотилмоқда. Даволаш ишлари учун тиббиётга зарур барча воситалар ва ускуналар етарлидир.

А. ПУЛАТОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Алишер Навоийнинг муборак номли чинакамига маънавий уйғониш рамзи бўлиб қолди. Бугунги кунда унинг ажиб шеърий мисралари чинакам мустақил Ўзбекистон жумҳуриятини вужудга келтириш борасидаги машаққатли йўлда бизга ёрдам бермоқда. Шоирнинг адолат, яхшилик ва муҳаббатга чорловчи ғазаллари йигирма биринчи аср бўсағасида турган кишилар қалбини чертиб, жунбишга келтирмоқда. Жумҳурият Президенти И. А. Каримов Фармони билан Навоий йили деб эълон қилинган бу йил кўпгина сермазмун ва ёрқин воқеаларга бой бўлмоқда. Навоий йили белгиси остида халқимиз хотирасида қоладиган анчагина воқеалар бўлди. Тошкентда 31 май куни журналистлар билан бўлган учрашув Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини байрам қилишга қандай тайёргарлик кўрилаётганини таҳлил этишга бағишланди.

МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ РАМЗИ

Унда журналистлар, навоийшунос олимлар, носирлар, шоирлар, маданият ва санъат арбоблари, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Учрашувни Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ахборот Агентлигининг директори, матбуот марказининг раҳбари Э. Қ. Ҳайитбоев олиб борди.

Ўзбекистон маданият вазири Н. Е. Ғойибов Қозоғистонда ниҳоясига етган Навоий кунлари кейинги вақтлардаги катта воқеалардан бири бўлганини айтди. Бу кунлар Ўрта Осиё минтақасида, қўшни жумҳуриятларда ўтказилаётган адабий байрамларнинг энг ёрқинларидан бири бўлди. Таниқли олимлар, жамоат арбоблари, санъаткорлар, мусиқачларнинг бундай сафарлари ўзбек замини буюк ўғлоннинг ижодини бошқа халқларнинг маънавий анъаналарига яқинлаштиришга, у бу халқлар маданияти тарихида қандай из қолдирганини аниқлашга, бундан кейинги дўстона алоқаларимизни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида ўтказилган Навоий кунлари ҳам янги миллий анъаналарни тиклаш, ўз маданиятимизни юксалтириш аҳоли кенг табақаларини ўзбек мумтозининг ўлмас асарлари билан ошно қилиш руҳида бўлди. Бу кунлар ҳамма ерда қўтаринки руҳда ўтмоқда, ранг-баранг навоийхонликлар, учрашувлар, анжуманлар билан бойимоқда, шоир ғазаллари билан битилган қўшиқлар янграмоқда, саҳналарда Навоий қиёфаси гавдаланмоқда.

Тўғри, маданият вазири Навоий йилида Алишер Навоийга бағишланган бирорта янги саҳна асари пайдо бўлмаганини афсусланиб гапирди. Кўпгина театрларимизнинг жамоалари шунга қарамай, Алишер Навоий мавлуди шарифини ўзига хос тарзда нишонладилар. Уйғун ва Иззат Султоннинг неча йиллардан бери кишилар қалбига жо бўлиб кетган «Алишер Навоий» саҳна асарига мурожаат этдилар, уни қайта саҳналаштирдилар Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир труппа мазкур асарни ўзига хос талқин этишга ҳаракат қилди. Аброр Ҳидоятов номли театрда эса бош режиссер Баҳодир Йўлдошев «Садди Искандарий» асарини саҳналаштириб ўзига хос театр навоийномасини яратишга уринди.

Кўпгина санъат арбоблари ўзларининг янги асарларини буюк устоз номи билан боғламоқдалар. Чунончи, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев Навоий асарлари асосида репертуар тайёрлади.

Экранда ҳам Ўрта аср шарқи маърифатпарварининг ёрқин қиёфасига бағишланган асарлар пайдо бўлди. Ўзбек киноҳужжатчилари йигирма минутли фильм яратдилар. «Ўзбектелефильм» студиясида 50 минутли лента пайдо бўлди. 1948 йилда «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Алишер Навоий» бадиий фильми таъмирланди. У рус ва ўзбек тилларида кенг экранда намойиш этилди. «Ўчқун» кинотеатрида таъмирланган фильмни биринчи марта қўрсатишга катта ҳозирлик кўришди — меҳмонларни Навоий давридаги либосларни кийган санъаткорлар кутиб олишди.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ўзбек адабиёти асосчисига ҳайкал бунёд этила бошлаганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу ерда яқин орада ўн икки метрли шоҳсупага шоирнинг қарийб етти метр келиданд ҳайкали ўрнатилади. Уни самарқандлик бир гуруҳ кески усталари Н. Бандзеладзе, В. Дегтярев, Э. Алиев яратган. Тошкент бош меъмори Д. Латипов бошчилигидаги ижодий гуруҳ ана шу ҳайкални ўрнатиш ишларини олиб бормоқда. Вақти келиб бу ерлар Навоий боғи деб аталади.

Филология фанлари доктори, навоийшунос А. Ҳайитметов Навоий йилига бағишлаб ўтказилаётган юбилей тантаналари тўғрисида гапириб, бу тадбирлар ҳамма жойда ҳам тегишли даражада бўлмаётганига, баъзан шунчаки хўжакўрсинга ўтказилаётганига эътиборни қаратди. Баъзан эса ташкилотчилар учрашувга бутун қалб қўрларини берадилар, лекин тадбирга кўпчилик йиғилмайди, келмаганларнинг аксарияти кўпинча маданият ходимларининг, адибларнинг ўзлари бўлишади. Олим бундай тадбирларга ёндашувда расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмаслигини айтди.

«Фан» нашриётининг директори Н. Хотамовнинг нутқи ҳам таниқиддан ҳоли бўлмади, у Навоий асарларини ўз вақтида нашр қилиш учун қоғоз етмаётганлигидан афсусланди. Навоий юбилейига бағишлаб 35 та асар нашр этилиши керак. Россия режадаги миқдорда қоғоз етказиб бермаётганлиги давлат нашриётлари учун қатиқ зарба бўлиши мумкин, холбуки хилма-хил кооперативлар ҳар доим ҳам керакли бўлмаган адабиётларни нашр қилиш учун қоғозни сарфлаб юборишяпти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. П. Қаюмов журналистлар эътиборини кўпгина нашриётларда йўл қўйилаётган хатога қаратди. Кўпгина оммавий ахборот воситаларида бу йил ЮНЕСКО қарори билан Навоий йили деб эълон қилингани дастак қилиб олинмоқда. Бундай қарор бўлмаган, тегишли ҳужжатлар қабул қилинмаган. Навоий йили марказий матбуотда, марказий телевиденеда жуда кам ёритилаётганлиги муносабати билан таассуф билдирилди, холбуки, Навоий номи фақат ўзбеклар учун эмас, бошқа кўпгина халқлар вакиллари учун ҳам яқин ва қадрлидир, зеро бу классиснинг ижоди ўз моҳиятига кўра, инсонпарвар ва байналмилал эди. Навоийнинг ижодий меросини янада кенгроқ ёйиш ва оммалаштириш зарур. Таржимонлар мактабини ривожлантириш муҳимлиги тўғрисида ҳам фикр билдирилди. Навоий асарларини таржима қилганларнинг кўпи оламдан ўтган, рус тилига эса ҳали унинг мероси тўла таржима қилинмаган.

Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Малик Қаюмов Навоий юбилейи арафасида янги саҳна асарлари пайдо бўлмаганлиги хусусидаги масалага қайтиб, республика Маданият вазирлиги билан бирга энг яхши сценарий учун танлов эълон қилинганлигини эслатиб ўтди. Чунончи, бундай танловлардан бир қанчаси ўтказиляпти. Булар Навоий номи билан ҳам боғлиқ, шунингдек Улуғбек, Бобур, Машрабга бағишланган танловлардир. Ҳозирча Ўзбекистон ёзувчиларидан ҳеч ким бундай таклифга қўшилганича йўқ. Акс ҳолда бошқа жумҳуриятлардаги ҳамкасбларга ялинишга тўғри келмасди.

Сентябрь ойида Тошкентда, кейин эса Москвада ўтказиладиган тантаналар Навоий йилининг энг юқори нуқтаси бўлади. Рўзнома ва ойномаларнинг вакиллари бу тантаналар олдидан ўтказиладиган тадбирлар янги ташаббуслар, юбилейнинг ёрқин босқичи бўлиши истагини билдирдилар.

Журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров нутқ сўзлади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Людмила Николаевна ГРЯЗНОВА

Ўзбек совет санъати оғир жудоликка учради — 1991 йил 31 май куни узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг Ўзбекистон ССР халқ артисти Людмила Николаевна Грязнова 52 ёшида вафот этди.

Л. Н. Грязнова 1939 йилда Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида туғилди. 1962 йилда М. Горький номли Волгоград драма театри ҳузуридаги театр студиясини тугаллади ва 1965 йилга қадар шу жамоада актриса бўлиб ишлади. 1965 йилдан 1971 йилгача М. Кольцов номли Воронеж давлат драма театри ва Куйбишев драма театри ижодий жамоаси таркибида ишлади.

1971 йилдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача Л. Н. Грязнова М. Горький номли Тошкент давлат рус академик драма театрида ишлаб келди. Ёрқин ижодий ўзига хослика, жозибага эга бўлган актриса театрда дарҳол пешқадам мавқени эгаллади. Л. Н. Грязнованинг актриса, ижодкор шахс сифатидаги истеъдоди ва қобилияти айни шу жамоада тўла намоён бўлди.

Актриса яратган ғаройиб образлар — Бланш («Истаклар трамвайи»), Мария («Яшасин қиролича, Виват»), Марта («Виржиния Вульфдан ким қўрқади»), Анна («Тонг осмонидаги юлдузлар») ва бошқа кўплаб образлар Ўзбекистон театр санъатининг тарихидан жой олди, мамлакат бадиий маданиятида сезиларли воқеа бўлди.

Актриса ўзининг самарали изланишларга ва кашфиётларга бой ижодий фаолиятини фаол жамоатчилик иши билан қўшиб олиб бориб, эзгулик ва гўзалликнинг олижаноб руҳини кенг оммага етказишга интилди.

Республика театр санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Л. Н. Грязновага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» ва «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвонлари берилди, у «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

Ажойиб актриса, меҳрибон инсон ва коммунист Людмила Николаевна Грязнованинг ёрқин хотираси унинг истеъдодининг кўплаб муҳлислари қалбида абадий сақланиб қолади.

И. Каримов, Ш. Мирсаидов, А. Ефимов, Э. Самандаров, К. Юсупов, Б. Назаров, Н. Ғойибов, Б. Қориева, М. Қаюмов, А. Жабборов, С. Эшонтўраева, А. Ладин.

ОБ – ҲАВО...

Ўзбекистон об-ҳавони кузатиш марказидан олинган маълумотга қараганда ҳафта мобайнида жумҳуриятимизда ҳавонинг қуруқ ва иссиқ келиши кутилади. Фақат шимолий ҳудудларда ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳавода бироз беқарорлик бўлиши мумкин. Қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечалари 18—23, кундузлари 37—38 даражага етади. Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларининг жанубида кечалари 21—26, кундузлари 37—42 даража атрофида иссиқ бўлади. Ўртача ҳарорат меъёридан бироз юқори бўлиши кутилмоқда.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш илмий-тадқиқот илмгоҳи мутахассисларининг шарҳига қараганда ҳароратнинг кўтарилиши таъсирчан кишиларга салбий таъсир қилиши мумкин. Чунончи қон босими ўзгарувчан, юрак ҳасталиги бор кишилар ўзларини бироз нохуш сезадилар. Бундай кишилар шифокор билан бамаслаҳат очиқ ҳавода кўпроқ сайр қилишлари, мўътадил сувда ювинишлари, тинчлантирувчи ва оғриқ қолдирувчи дори-дармонлардан фойдаланишлари тавсия этилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

Кафедралар бўйича

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИ БИЛАДИГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ўсимликшунослик;

профессорлар: қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг анатомияси ва физиологияси;

доцентлар: ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, тупроқшунослик, умумий деҳқончилик, мевачилик ва узумчилик, умумий ва хусусий ҳайвоншунослик, бошқарув ва совет ҳуқуқи, ўрмоншунослик ва ўрмондаги дарахтларнинг миқдори ва ҳажмини аниқлаш;

катта ўқитувчилар: бухгалтерия ҳисоби ва молия, ўсимликлар физиологияси ва биохимия;

ўқитувчилар: ўзбек тили (2);

ассистентлар: қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ўсимликшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва молия, мевачилик ва узумчилик (3), сабзавотчилик (3), ботаника, ўсимликшунослик (2).

Танлов муддати — 25 нюнгача.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ, қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ НОМИДАГИ ЖУМҲУРИЯТ МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1991—1992 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЖУМҲУРИЯТ МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИГА 5 СИНФНИ БИТИРГАН УҒИЛ БОЛАЛАР ТРУБА, ФЛЕЙТА, ТРОМБОНЛАРНЕТ, ФОЛТОРНА ВА ЗАРБЛИ МУСИҚА АСБОБЛАРИ ИХИСОСЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар учун кириш имтиҳонлари математика ва она тилидан ёзма иш. Мусиқадан — эшитиш қобилияти, ритмик ва ашула айтиш қобилиятлари текшириб кўрилади.

АРИЗАЛАР 1991 ЙИЛ 20 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ариза билан бирга тиббий маълумотнома (карта), **маълумоти ҳақидаги ҳужжат, ота-онасининг ишхонасидан ва турар жойидан маълумотномалар, 3×4 см катталикда 4 та расм ва директор номига ариза.**

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 2-мавзе, 28-уй.

Телефон: 97-96-40 (30, 110-автобуслар; 29, 6-трамвайлар).

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ЎРТА ОСИЕДАГИ ЭНГ ЙИРИК КОРХОНАЛАРДАН БИРИ БЎЛМИШ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚЧИ ВА МАШИНАСОЗЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИДА ТАЪЛИМ ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учиш аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токарь, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларни битирувчилар тажрибавий гуруҳда ўқийдилар ва 2 йил давомида ўрта маълумот ҳамда касб эгаси бўладилар.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфларни битирувчилар ойига 115-150 сўм миқдорида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқатланиш, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар машинасозлик олий билимгоҳига ва учувчилик билим юртига ўқишга юборилади.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилимиз: 700128. Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефон: 41-75-54.

АХБОРОТ

МЕНЕЖЕРЛАР ГУВОҲНОМАСИ

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ишчилар, инженер-техник ходимларнинг иқтисодий билимини ошириш, уларни ҳисоб-китоб ишларига пухта ўргатиш зарурати туғиляпти.

Андижон вилоятининг Ленин ноҳиясида 18 нафар мутахассис менежерлик—ишбилармонлик курсини битирди. Уларга гувоҳнома топширилди.

Икромжон Қосимов, Тоҳиржон Зокиров, Улуғбек Маматқулов, Шокиржон Алиев, Ўктамжон Ортиқов, Усмонжон Зокиров, Ҳалимжон Исмоилов ва бошқалар Асаканинг биринчи менежерлари бўлдилар. Улар иқтисодий билимларини оширганларидан кейин Тошкентга янгича ишлашга ўтган Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигига бориб, у ерда амалга оширилаётган ишлар, менежерлик тажрибасини ўргандилар. Хўжаликда энг паст навли пахтадан сифатли қоғоз ишлаб чиқарилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

— Менежерлик фаолиятимиздаги янгилик бўлиб, у яхши ишнинг бошланишидир, — дейди менежерлик марказининг директори Муҳаммаджон Иминов, — бу курсда таълим олган кишилар иқтисодиётни бошқаришдан, илғор иш тажрибаларидан, энг янги технологиядан воқиф бўладилар.

МАОРИФ КООПЕРАТИВИ

Ҳар сафар ўқув йили тугаши биланоқ мактабларни таъмирлаш ташвиши бошланади. Ёғоч-тахта, бўёқ, уста қидиришлар албатта катта қийинчилик туғдиради.

Пахтаободликлар бу машаққатдан қутилиш учун ноҳия халқ таълими идораси қошида кооператив ташкил этишди. Директорлар меҳнат отпускаси таътилига чиқишаётиб мактабларнинг калитларини кооператив раиси Аҳмадилло Саидовга бериб кетадилар. Районда 35 та мактаб, 21 та болалар боғчаси, 2 та кечки мактаб, 3 та ўқув ишлаб чиқариш комбинати мавжуд.

Ўтган ўқув йилида кооператив 6 та мактабни капитал ва жорий таъмирдан чиқарди. Бу ишга 210 минг сўмлик маблағ сарф қилинди. Кооператив қурилиш материалларини ўзи топади, жумладан ҳозир Россиядан икки вагон ёғоч олиб келди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

● **Утган йили айримларингиз баъзи сабабларга кўра, 1991 йилнинг иккинчи ярми учун «Совет Ўзбекистони» рўзномасига ёзила олмаган бўлишингиз мумкин. Бундан хафа бўлманг. Севимли рўзномангизга обунани узайтириш ёки бошқатдан расмийлаштириш учун ҳали имконингиз бор. Бунинг учун 12 июнгача «Матбуот уюшмаси» агентликларига ёки алоқа бўлимларига мурожаат қилсангиз кифоя.**

Айни пайтда таҳририятимизга бир қатор алоқа бўлимларида обуна варақаси йўқлиги ёки етишмаётганлиги тўғрисида шикоятлар келиб турибди. Биз жуда кўплаб муштарийларнинг илтимосларига биноан шундай варақа нусхасини босмоқдамиз. Уни тўғри тўлдириб, турар жойингиз бўйича сизларга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимида расмийлаштиринг.

Ф. СП–1

ССЖИ Алоқа вазирлиги. «Матбуот уюшмаси»

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» 64583
(нашр номи) (нашр қўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта қўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583
(нашр қўрсаткичи)

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта қўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ФУТБОЛ:

ДОВОН ОЛДИДА

Биринчи лига жамоалари мамлакат чемпионатининг дастлабки даврасы ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказиб, муваффақиятли давон ошишга интилмоқдалар. Фарғона водийси футболчилари ҳам бўш келмасликка уринишмоқда. Айниқса, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари сафар учрашувларида ҳам қимматли очколар тўплаб, мавқеларини мустаҳкамлашмоқда. Улар навбатдаги учрашуда «Пардаугава» футболчилари билан ўйнаб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ютуқ наманганликлар ҳисобидаги очколарни 15 тага етишига имкон берди. «Ҳозир «Навбаҳор» тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Зеро, Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари имкониятлардан етарли фойдаланмаяптилар. Улар «Зенит» майдонида ўйнаб (1:1) яна битта очко йўқотишди. «Нефтяник» ҳисобида 12 та очко бўлиб, ўйинлар жадвалининг ўрталаридан жой олган. Чемпионатда эса «Тилигул» 18 очко билан ягона пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Ротор» ҳисобида 14 та очко тўпланган.

Олий лига жамоалари яна 2 тадан ўйин ўтказгач довон ошадилар. Бу йилги мавсумни муваффақиятли давом эттираётган пойтахт армиячилари 21 очко билан карвонбошчилик қилмоқдалар. Улар навбатдаги учрашувни ўз майдонларида пахтакорчилар билан ўтказишди. Армиячиларнинг учта тўпига пахтакорчилар битта тўп билан жавоб қайтаришди. Чемпионатнинг ярми тугаб бораётганига қарамай, «Пахтакор» ўнгланиб, мухлисларни қувонтириш йўлида астойдил курашяпти, дейиш қийин.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/VI да **Флория Тоска**, 9/VI да **Золушка** (12.00), **Иоланта** (19.00).

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/VI да **Лаҳма куёв**, 5/VI да **Зиёфат**, 6/VI да **Қопқон**, 8/VI да **Келинлар кўзголони**, 9/VI да **Фармонбиби аразлади.**

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗВОДСПЕЦМОНТАЖНАЛАДКА» ихтисослашган монтаж қилиш-созлаш бошқармаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Водник даҳаси, 1-мавзе.

Телефон 90-34-67.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, партия қўмитаси ва иқтисодий информатика факультети олийгоҳ фахрияларидан бири, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Собир Қосимович ҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти бошқаруви жамоаси нашриёт бўлими ходими Г. А. Дадаевага отаси

Абдусамат ИСАМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль йўллари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси, фирқа ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашма бошлиғи Р. И. Раимқуловга отаси

Ислом РАИМҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, *Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва иқтисодий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр. қўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00.

№ 104. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12